



Bugun Qurolli Kuchlarimiz safida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlarning harbiy xizmat taassurotlari, armiya haqidagi fikr-mulohazalarini tinglaganda, ularning qalbida ajdodlarimizga xos mardlik, shijoat tuyg'ulari jo'sh urayotganini sezamiz.

4-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 15-iyul, №28 (2987)

XALQ VA ARMIYA – BIR TAN-U BIR JON!

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz

MIY, HARBIIY-VATANPARVARLIK GAZETASI




## TARAQQIYOT STRATEGIYASINING IJTIMOIY OMILLARI

3-sahifa ▶▶



## HIMOYA VOSITALARINING TAKOMILLASHUVI

10-sahifa ▶▶



## ILK ISHTIROK, FAXRLI O'RIN

19-sahifa ▶▶

## VATONAT MAKTABIDA 10 KUN



Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonligi tashabbusi bilan Nuriston garnizonida joylashgan harbiy qismda 10 kunlik «Yosh vatanparvarlar yig'ini» o'tkazildi.

6-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@mail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

Tahririyat  
haqida  
ma'lumot



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### 2022–2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН «ХАВФСИЗ ВА РАВОН ЙЎЛ» УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракати иштирокчилари учун қулай шaroитлар яратиш мақсадида:

1. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шaroитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, шу жумладан, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи **2022–2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши мўлжалланган «Хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

автомобиль йўллари инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш;

автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини рақамлаштириш;

жамоат транспортини ривожлантириш ва рақамлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, болаларга йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатишни йўлга қўйиш; ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни кучайтириш.

2. Дастурда белгиланган манзилли тадбирларнинг амалга оширилишини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга қаратилган қуйидаги **назорат тартиби** ўрнатилсин:

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари – ҳар чоракда** масъул давлат органлари томонидан Дастур ижроси амалга оширилиши юзасидан ҳудудлар кесимида

ўрганишларни ўтказиш ва натижалари бўйича Бош прокуратурага ахборот беришни ташкил этсин;

**Бош прокуратура** (Н.Т. Йўлдошев), **Ҳисоб палата** (Б.Т. Турабов) – **ҳар чоракда** масъул давлат органлари раҳбарларининг Дастур ижроси, шу жумладан, ҳудудлар кесимида амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва бажарилмаётган масалалари юзасидан танқидий муҳокама қилиш мақсадида **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясига** ахборот киритиш амалиётини йўлга қўйсин;

**Вазирлар Маҳкамаси** (А.Н. Арипов) – **ҳар ярим йилда** Дастур ижросини ҳудудлар кесимида танқидий муҳокама қилиш, ижроси юзасидан камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбарларига интизомий жазо чораларини кўриш, шунингдек, Дастурда белгиланган тадбирлар тўлиқ амалга оширилишини ташкил этсин.

Дастурда белгиланган манзилли тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини сўзсиз таъминлаш учун жавобгарлик **шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ички ишлар вазири, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси зиммаларига юклансин.**

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган **«Йўл харитаси»ни ҳар йили ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссиясига киритсин;**

ҳар чоракда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари, қоидабузарликлар аҳолининг таҳлили асосида, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрга-

ниб, **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига муҳокама қилиш учун киритиб борсин.**

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси:

Дастур доирасида амалга оширилаётган тадбирларда **жамоатчилик иштироки таъминланишига ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали йўналтирилаётган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратсин;**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, Дастурда кўзда тутилган тадбирлар ҳар йили бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида, шунингдек, «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда» республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва транспорт вазири И.Р. Маҳкамов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Б.Д. Исламов ва Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 12 июль

(ЎЗА)

## # Malaka



### КАДРЛАР ХИЗМАТИ ОФИЦЕРЛАРИГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мудофаа вазирлиги тизимидаги кадрлар хизмати офицерлари учун «Юрист ва кадр» таълим муассасасида ўқув курси ташкил этилди. «Кадрлар хизмати фаолиятини ташкил қилиш ва меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш» мавзусидаги ўқув курси 72 соатни ўз ичига олади.

Малака ошириш курсларида «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартиби», «Ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва

мажбуриятлари» каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, курс давомида меҳнат шартномасида ходимнинг иш жойи, меҳнат вазифаси, ишнинг бошланиш куни, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгиланиши, меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида 2 нусхада ёзма шаклда тузилиши ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилиши, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши каби қатор масалаларда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар хусусида марказнинг малакали ва тажрибали мутахассислари томонидан амалий кўникмалар берилди.

Ўқув курси якунида офицерларга сертификатлар топширилди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,  
«Vatanparvar»

## # Inson qadri uchun

# ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ

«Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» ва «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили давлат дастури»да белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, «Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат» ғоясини амалга ошириш маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш, давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш, маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш, марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш, қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш, Халқ қабулхоналари учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жаравнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этиш белгиланди.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқболли мақсадларни қўйиб, уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Ҳозирда Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Бинобарин, Тараққиёт стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда «Халқ ҳокимият манбаини ташкил этади», «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ», «Жамият – ислохотлар ташаббускори», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «Энг катта бойлик – инсонларнинг саломатлиги», «Халққа тинчлик ва омонлик керак» каби ғояларни акс эттирган тамойилларга қанчалик даражада амал қилинаётганлигини танқидий таҳлил қилиш асосида англаб олиш ҳамда танлаган йўлимиздаги ривожланишимизни янги босқичга кўтаришни ҳаётнинг ўзи зарурий сифатида кун тартибига қўйди.

Изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар замирида «одамлар ўзларининг ҳаётдан рози бўлиши керак», деган ҳаётбахш ғоя этади. Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам одамларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириб бориш асосий вазифа ва бош мақсад сифатида белгиланди.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия – дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир-бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия, тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ ўрта мустақил категория. Уларнинг фарқи шундаки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат – бу стратегия ва тактиканинг ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир.

Кўриб турганимиздек, стратегия моҳиятида миллий мафқураимиз ўз ифодасини топган, яъни у халқимизнинг орзу-умидлари акс этган ғоялардан ташкил топган. Агар стратегия реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади. Мабодо тескари бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, кутилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалана олмаслиқдир.

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсундирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қиладди. Жумладан, раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишда турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланиши, ностандарт вазиятда тўғри қарор қабул қилиши, қўйилган вазифаларни ҳал этишда индивидуал ва креатив ёндаша билиши керак. Мазкур тамойиллар олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш имкониятини бериши зарур.

Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги ҳамда турли даражадаги қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги муваффақиятнинг кафолатидир. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилиши лозим.

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст суръатларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб этади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда

ҳамда тезкор ёндашувлар билан ўзгартиришга хизмат қиладди. Энг муҳими, стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга эришилади.

Истиқбол мақсадларини қўйган давлатларнинг аксарияти миллий



стратегик муваффақиятини ЯИМнинг (ЯИМ аҳоли ҳаёт даражасининг кўрсаткичи) ўсишида, фуқароларнинг фаровонлик даражасининг юксалишида, деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳосилдорликни ошириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Албатта, ушбу омилларни инкор этмаган ҳолда бугун Ўзбекистонда миллий кадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги муқаммал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлигини таъминлаш асносида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Стратегик мақсадлар инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунлар, фаол ижтимоий институтларнинг ташкил этилишига қаратилаётгани бежиз эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимидаги нутқида: «Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждоқларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади» деган фикрни илгари сурди.

«Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»да 7 та устувор йўналиш белгилаб берилган бўлиб, улар:

I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш.

II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш.

III. Миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.

IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш.

V. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш.

VI. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш.

VII. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташки сиёсат олиб боришдан иборатдир.

Мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш

замирида Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамият касб этади.

Бунда аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш, репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитларни яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш белгилангани бежиз эмас. Мақсад мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимояланганлик даражасини босқичма-босқич юксалтириб боришдир.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат.

**Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ,**  
Қурулди Кучлар академияси  
доценти, сиёсий фанлар номзоди

## # Muqaddas vazifa



III darajali serjant Olim BERDIYEV

**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar Shahobiddin ORTIQOV:**

– Vatanga, xalqiga xizmat qilish har bir inson uchun bobolarimizdan meros bo'lgan muqaddas va sharaflig burch sanaladi. Vatandarparvarlik tuyg'usining yigit kishi qalbida shakllanishida hayot maktabi – armiyaning o'rni beqiyos, deb bejiz aytishmas ekan. Zero, har bir askar harbiy xizmatning ilk kunlaridanoq yurt tinchligi, Vatandar sarhadlarining daxlsizligini ta'minlashni o'z zimmasiga yuklatilgan eng sharaflig vazifa ekanligini yurakdan his etadi. Harbiylikning haqiqiy er yigitlar kasbi ekanligini anglab yetadi. Men ham harbiy xizmat davomida mana shu hayotiy haqiqatni teran angladim. Eng asosiysi, harbiy kasbga mehrim tushdi va hayotimni shu soha bilan bog'lashga qaror qildim. Bu men uchun sharaflig. Maqsadim doimo el koriga kamarbasta bo'lib, yurt tinchligini munosib himoya qilishdir. Chunki yurtida tinchlik hukmron bo'lsa, barcha orzu-umidlar albatta ro'yobini topadi. Shu boisdan ham kindik qonimiz tomgan tuproqni, qalbgaga yaqin olinib aytiladigan ona Vatanni asrashimiz, el koriga yarashimiz, yurt yukiga yelka tutishimiz lozim. Qiyoslash mumkin bo'lsa, ozodlik, hurriyat – har birimizning qonimizda, jonimizda, tomirlarimizda bor. Shu ma'noda har bir kishi o'z yurtining posbonidir.

# BURCHIGA SODIQLIK – VATANGA SADOQAT DEMAK

BUGUN QUROLLI KUCHLARIMIZ SAFIDA MUDDATLI HARBIY XIZMATNI O'TAYOTGAN ASKARLARINING HARBIY XIZMAT TAASSUROTULARI, ARMIYA HAQIDAGI FIKR-MULOHAZALARINI TINGLAGANDA, ULARNING QALBIDA AJDODLARIMIZGA XOS MARDLIK, SHIJOAT TUYG'ULARI JO'SH URAYOTGANINI SEZAMIZ.

HA, VATANNI HIMOYA QILISH, UNING TINCHLIGINI SAQLASH MARD YIGITLAR UCHUN BARCHA ZAMONLARDA HAM MUQADDAS HAMDA SHARAFLI VAZIFA BO'LIB KELGAN. KO'HNA TARIXGA NAZAR SOLADIGAN BO'LSAK, SOHIBQIRON AMIR TEMUR HAM YURT TINCHLIGINI, UNING MUHOFAZASINI, SARHADLAR DAXLSIZLIGINI BIRINCHI O'RINGA QO'YIB, DOIMO SHU MUQADDAS MAQSAD YO'LIDA JASORAT, MARDLIK NAMUNALARINI KO'RSATGAN. MANA SHUNDAY ULUG' AJDODLARINING AVLODLARI BO'LGAN BUGUNNING YOSHLARI YURT TINCHLIGI VA OSOYISHTALIGINI TA'MINLASHDEK EZGU ISHGA O'Z HISSALARINI QO'SHAYOTGANIDAN FAXRLANISHLARINI BOT-BOT TA'KIDLASHADI. MUDDATLI HARBIY XIZMATCHI, ODDIY ASKARLAR – SHAHOBIDDIN ORTIQOV, NAVRO'Z DAVLATOV, DAVRONBEK QO'CHQOROV VA OYBEK BOBORAHIMOV HAM QALBI FAXR-IFTIXOR HISLARIGA TO'LA ANA SHUNDAY O'G'LONLARDIR.

**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar Navro'z DAVLATOV:**

– Armiya yigit kishini chiniqtiradi, toblaydi, deb bejiz aytishmas ekan. Men ham shijoat, fidoyilik, o'zimga bo'lgan ishonch tuyg'ularini harbiy xizmat mobaynida kashf etdim. Jismonan yanada chiniqdim, ma'nan yuksalдим. Vatanga mehr, uning har qarich yerini muqaddas deb bilish, e'zozlash har bir yurt farzandining burchi ekanligini angladim. Men bundan juda mamnunman. Har bir insonning o'z oldiga qo'ygan ezgu orzu-niyatlari bo'ladi. Agar inson astoydil harakat qilsa, ushbu orzulariga yetishi, shubhasizdir. Men ham mana shu aqidaga amal qilgan holda orzu-maqsadlarim yo'lida o'qib-o'rganishga intilyapman. Avvaliga armiya saflarida xizmat qilishni maqsad qildim. Buning uchun astoydil tayyorgarlik ko'rdim. Mana bugun yurtning asl o'g'lonlari safidaman! Armiya saflarida o'tayotgan har bir kunimiz unutilmas bo'lyapti. Harbiy xizmatdan so'ng oliy ta'lim muassasasiga o'qishga kirishni niyat qilganman. Buning uchun hozirdan tayyorgarlikni boshlab yuborganman. Kelajakda o'z tanlagan kasbimning yetuk mutaxassisi bo'lib Vatanimiz ravnaqiga munosib hissa qo'shish – oliy maqsadim.

**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar Davronbek QO'CHQOROV:**

– Harbiy xizmatda kechgan dastlabki oylar men uchun haqiqiy sinov onlari bo'ldi. O'shandayoq zimmamga yuklatilgan vazifani ado etish men o'ylagan darajada oson emasligini, buning uchun kuchli iroda, sabr va matonat, tinimsiz harakat hamda qat'iyat zarurligini anglab yetgandim. Armiya saflarida o'tayotgan har bir kun bizni katta hayotga tayyorlab borayotganini his qilyapman. Yigit kishi uchun zarur bo'lgan shijoat, mardlik, kuchli va irodali bo'lish, Vatandar, el-yurtning tinchligini saqlashga bo'lgan qodirlik kabi xislatlar bizga xizmat jarayonida singdirib borilmoqda. Eng asosiysi, qat'iy reja asosida ishlashni o'rganyapman. Muddatli harbiy xizmatni yakunlaganimdan keyin ham mana shu qoidaga amal qilaman, albatta. Nazariy va amaliy mashg'ulotlar men uchun juda qiziqarli. Ushbu mashg'ulotlar davomida bilimimni, mahoratimni har tomonlama oshirishga intilyapman. Xizmatdan bo'sh vaqtlarimda kitob mutolaa qilaman yoki sport bilan shug'ullanaman. Buning uchun shart-sharoitlar yetarli. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi. Men mana shu e'tiborga munosib bo'lib, zimmamdagi yigitlik burchimni astoydil bajarish uchun harakat qilyapman. Armiya hayotimda tub burulish yasadi. Quvonarlisi, men ham ko'plab safdoshlarim qatori muddatli harbiy xizmatni ado etganimdan keyin oliy harbiy bilim yurtiga o'qishga kirishni rejalashtirib qo'ydim. Ushbu qarorimdan yaqinlarim ham xursand.

**Muddatli harbiy xizmatchi, oddiy askar Oybek BOBORAHIMOV:**

– Xizmatni boshlagan ilk kunlaridanoq harbiy hayotga ko'nikib ketdim. Asosiysi, xizmat davomida o'zimga bo'lgan ishonchim ortdi. Men muddatli harbiy xizmatga kelmasdan avval harbiy hayot haqida ko'p bora eshitganman, askarlarning kundalik hayoti haqida televizorda ko'rganman, gazetalarda o'qiganman. Harbiy xizmatga kelib esa bularning bari ayni haqiqat ekanligiga amin bo'ldim. Bundan quvondim ham. Safdoshlarim jismonan baquvvat, ma'nan yetuk yigitlar. Ular bilan xizmatning ilk kunidanoq tezda do'stlashib ketdik. O'rtamizdagi askariy birodarlik juda yuqori. Barchamiz zimmamizga yuklatilgan vazifani sabot bilan yengishga, oldimizda turgan dovonlarni qat'iyatlik va shijoat bilan oshib o'tishga harakat qilyapmiz. Bunda yaqinlarimning ishonchi, ota-onamning meni harbiy xizmatga kuzata turib: "O'g'lim, Vatanni himoya qilish har bir er yigitning zimmasidagi muqaddas burchdir. Shunday ekan, armiyada xizmat qilish bu ota-onangni, xalqingni, ona Vatanningni asrash demakdir. Albatta, muddatli harbiy xizmatning o'ziga yarasha qiyinchiliklari bo'lsa-da, uni yengish qo'lingdan keladi. Shu bois ham senga ishonchimiz baland", degan so'zlari madad beryapti. Bu so'zlar meni doim ruhlantiradi. Bugun Vatandar himoyachilari safida turib osmonimiz musaffoligini, aziz diyorumiz tinchligini, bunyodkor xalqimizning osoyishtaligini qo'riqlayapman. Bundan g'ururlanaman, faxrlanaman.

Kelajagimiz vorislari bo'lgan olovqalb yoshlardan bunday samimiy qalb so'zlarini eshitish baribir ko'ngilli. Ana shunday damlarda yuragingiz ajib taskindan xotirjam tortishi bor gap. Zero, bu yigitlar o'z burchiga sodiq, mard va jasur o'g'lonlardir. Burchga sodiqlik esa Vatanga sadoqatdan dalolat beradi.

Mayor Gulnora HOJIMURODOVA

# Okruglarda nima gap?

# ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари учун бир қатор спорт ўйинлари, фестиваллар, концерт дастурлари ҳамда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди. Хусусан, шундай тадбирлар Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда кенг қамровда ўтказилди.



**Навоий гарнизони.** Ҳарбий хизматчиларнинг дам олиш кунлари округ кўмондонлиги бошчилигида ташкил этилди. Унда контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳарбий эстафета, стол тенниси, волейбол, баскетбол мусобақалари ўтказилди. Мусобақалар давомида юқори натижаларни кўрсатган ҳарбий хизматчилар округ кўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Куннинг иккинчи ярмида эса ҳарбий хизматчиларнинг зукколигини текшириш, бадий-ҳаваскорлик салоҳияти ҳамда актёрлик маҳоратини синондан ўтказиш мақсадида «Қувноқлар ва зук-колар» кўрик-танлови ўтказилди.



# САНЪАТГА ОШНО АСКАРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Марказий ҳарбий округнинг маънавият ва маърифат марказида округ тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат бурчини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида «Аскар кўшиғи» кўрик-танловининг округ босқичи ўтказилди.



Унда Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон ҳамда Навоий гарнизонларидан қатнашган муддатли ҳарбий хизматчилар саф, эстрада ҳамда лирик йўналишдаги кўшиқлар бўйича ўзаро беллашди.

Кўрик-танлов давомида санъатга ошно аскарлар миллий ўзлигимизни англатишга қаратилган, мардлик ва матонатни мадҳ этувчи, ҳарбий хизматнинг нуфузини оширувчи ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги кўшиқларни маҳорат билан ижро этди.

Ҳар бир иштирокчи ижросидаги куй-қўшиқлар маданият ва санъат соҳасининг мутахассисларидан иборат ҳакамлар жамоаси томонидан муносиб баҳолаб борилди.

Яқунда иштирокчилар орасидан ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга республика босқичи учун йўлланма, округ кўмондонлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалар тантанали равишда топширилди.

**Марказий ҳарбий округ  
матбуот хизмати**

**Самарқанд гарнизони.** Ҳарбий хизматчилар учун кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрининг тарихий обидаларини зиёрат қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, ҳарбий қисмларда Каттақўрғон драма театри актёрлари томонидан «Адвокат бўлиш осонми?» спектакли намойиш этилди.



**Жиззах гарнизони.** Ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий оркестр жамоалари иштирокида гала-концерт дастурлари тақдим этилди. Унда юрт ўғлонлари бир-биридан ажойиб куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлиб, мароқли дам олишди.



**Каттақўрғон гарнизони.** Ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ўзаро дўстона муҳитни шакллантириш мақсадида ҳарбий эстафета, футбол, шахмат-шашка ва тош кўтариш мусобақалари ўтказилди.

Умуман олганда, ҳарбий хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирлар Ватан ҳимоячиларининг жанговар руҳиятини кўтариб, хизмат фаолиятини янада садоқат билан олиб боришларида уларга куч-қувват бағишлайди.

# МУАММОЛАР ТИНГЛАНДИ



Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.



Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва Қуролли Кучлар хизматчилари иштирокида «Тинчлик – бебаҳо неъмат, унинг қадрига етайлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Жанубий оператив ҳамда ҳарбий қисм кўмондонлиги вакиллари иштирок этди.

Жанубий оператив кўмондонлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис Дилором Адилова ҳарбий оила бекалари билан очик мулоқотга киришиб, уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганди.

Учрашув кенг қамровли мавзуларга улашиб, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

# «БИР ОЙЛИК АРМИЯ» бадал пуллари тўлаб берилди



Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари, маҳалла етакчилари ҳамда фаол ёшлар иштирок этди.

Унда «Ёшлар дафтари»га киритилган бир гуруҳ йигитларга ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда сафарбарлик чақируви резерви – халқ тилида айтганда, «бир ойлик армия» учун тўловлар сертификатлари топширилди.

Хусусан, Қашқадарё вилояти бўйича 335 нафар ёшнинг сафарбарлик чақируви резерви учун 1 млрд 935 млн 851 минг сўм, 314 нафар ёшнинг эса ҳайдовчилик курси учун 376 млн 800 минг сўм миқдоридаги тўловлар амалга оширилди.

Тадбирда ёшлар ўзларига берилаётган бу каби имкониятларга жавобан келажакда Ватан тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишга ваъда берди.

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ  
матбуот хизмати**

# Xalq va armiya – yakdil

# МАТОНАТ МАКТАБИДА

10

КУН

**Жануби-ғарбий махсус  
ҳарбий округ қўшинлари  
қўмондонлиги ташаббуси  
билан Нуристон гарнизонида  
жойлашган ҳарбий қисмда  
10 кунлик «Ёш ватанпарварлар  
йиғини» ўтказилди.**

Йиғинда асосий эътибор ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилди.

Ўн кун давом этган йиғиннинг сермазмун ўтишида ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ва ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари бор имкониятларини ишга солишди. 100 нафар уюшмаган ҳамда профилактик ҳисобда турувчи қашқадарёлик вояга етмаган ёш учун замонавий талабларга жавоб берадиган, барча қулай шарт-шароитларга эга ҳарбий қисм эшиклари очилди.

Даставвал ёшлар ҳарбий қисм тиббиёт пунктида ма-лакали ҳарбий шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Йиғин иштирокчиларининг жисмоний ва руҳий саломатлиги текширилиб, уларга ҳарбий либослар тарқатилди. Эғнида орзусидаги либос билан саф тортган ўғлонларнинг кўзидаги қувонч ва ўзига бўлган ишонч-ни кузатиб, йиғин моҳиятини теранроқ англаш мумкин. Биринчи кундан ҳарбий қисм ошхонасида «аскарча тушлик»ни тановул қилиб, ҳарбий хизматчилар билан суҳбатга киришиб кетган ўғлонларнинг соҳага қизиқиши янада ортганини сезиш қийин эмас.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш ватанпарварлар йиғини» режасига асосан, ҳарбий қисм ҳудудида турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, йиғин иштирокчилари замонавий ахборот технологиялари ва тадбиркорлик йўналиши бўйича машғулотларда иштирок этиб, кўплаб маданий тадбирлар, концерт дастурларида ҳордиқ чиқаришди.

Йиғин якунида ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Зайнобиддин Иминов, вилоят ҳокими ўринбосари Рустам Йўлдошев, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Темур Поёнов ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Абдор Аҳмедов иштирокида «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкил қилинди. Тадбирда округ қўшинлари қўмондони йиғин иштирокчиларини қутлар экан, шу вақтгача ҳарбий қисмда ўрганган мустаҳкам интизоми, метин ирода ва шижоати уларни келгусида эзгу мақсадлар сари дадил одимлаши учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Самимий мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Айниқса, йиғитларнинг ҳарбий хизматчи бўлиш учун қўйиладиган талаблар ҳақида берган саволларидан билиш мумкин-ки, йиғин мақсадларига қайсидир маънода эришилди. Тадбирда ёшларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди. Улар фарзандларини ҳарбий либосда кўриб турганидан мамнун эканини билдириб, йиғин ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдирди.

Йиғин сўнгида тенгдошларидан ҳар томонлама ажралиб турган, тадбирларда фаол иштирок этган, шунингдек, ҳарбий қисмда ташкил қилинган мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёшларга ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ва ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳарбий хизмат – эр йигитлик мактаби. Ватан ҳимояси йўлида садоқат билан хизмат қилаётган ўғлонлар эса йиғин қатнашчилари учун матонат йўлида ўрнак бўлди.



# Современный мировой педагогический опыт

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА

## В ВОЕННОЙ АКАДЕМИИ США

### В ВЕСТ-ПОЙНТЕ

Академия сухопутных войск «Вест-Пойнт» считается старейшим военно-образовательным учреждением США. Общее количество сотрудников академии насчитывает 4 300 человек постоянного состава, в том числе 2 700 военнослужащих и около 1 600 гражданских лиц. Это – преподаватели, инструкторы и обслуживающий персонал. Основная часть профессорско-преподавательского состава – офицеры, большинство из них имеют звания майора или подполковника и почти две трети – ученую степень магистра, около 40% – доктора наук.

Подбор кандидатов на должность преподавателя осуществляется на добровольной основе путем проведения конкурсов. Срок службы офицера, преподавателя академии, составляет в среднем четыре года. Ежегодно заменяются 120–180 человек. Такой порядок, по мнению руководства академии, обеспечивает тесную связь процесса обучения с повседневной боевой подготовкой строевых частей и деятельностью других учреждений вооруженных сил.

В течение всего времени работы в Академии сухопутных войск преподавателям необходимо постоянно профессионально самосовершенствоваться, поскольку ее руководство уделяет особое внимание повышению педагогического мастерства профессорско-преподавательского состава. За это отвечает специалист, контролирующей реализацию программ повышения квалификации. Он разрабатывает ежегодную программу повышения квалификации, приглашает известных деятелей, профессоров из других вузов с интересными лекциями, информирует руководство академии о выполнении программы. В этом же направлении в академии работают научные руководители первой (*First-line supervisors*) и второй (*Second-line supervisors*) степени. В начале каждого учебного года один из научных руководителей первой степени составляет план профессионального роста преподавателей. Обычно перед преподавателями ставят определенные цели, которые могут быть достигнуты разнообразными способами: публикацией статей, участием в конференциях, консультациями, проектами, внеаудиторной работой с курсантами, членством в научных организациях. Получение различных сертификатов и дополнительного образования также считается формами повышения квалификации.

В отличие от научных руководителей первой степени, которые осуществляют мониторинг профессионального роста преподавателей, научные руководители второй степени являются образцом для подражания, поощряют командный дух преподавателей академии, настраивают их на слаженную работу.

По мнению руководства академии, очень часто удовлетворение от проделанной работы как руководителей, так и подчиненных появляется тогда, когда совпадают их цели профессионального саморазвития. Разнородный профессорско-преподавательский состав требует детально проработанной и интегрированной модели повышения квалификации. В большей мере это касается переменного профессорско-преподавательского состава.

Важную роль в профессиональном развитии профессорско-преподавательского состава играет центр повышения квалификации. Его целью является поддержка преподавателей академии путем предоставления широкого спектра услуг и программ, которые могут оказаться полезными в их профессиональной деятельности.

Сотрудники центра организуют семинары и симпозиумы для того, чтобы преподаватели своевременно познакомились с новыми методами и технологиями обучения. Проводят так называемые «перерывы на ланч», выпускают информационные бюллетени, реализуют программу повышения квалификации. «Перерывы на ланч» предназначены для обсуждения вопросов, возникающих при преподавании определенных дисциплин. Центр повышения квалификации выпускает ежемесячный информационный бюллетень для ознакомления преподавателей с новыми тенденциями в образовании.

Программа повышения квалификации преподавателей – междисциплинарная двухлетняя программа, направленная на развитие у профессорско-преподавательского состава компетенций самообразования и совершенствования учебной среды. Ежемесячно проводятся собрания для обсуждения методов

преподавания в аудитории, а также анализа результатов деятельности курсантов. Эта программа базируется на принципе взаимозависимости обучения и изучения с учетом того факта, что профессорско-преподавательский состав академии является одновременно и учителями, и обучаемыми.

Обратная связь – неотъемлемая часть обучения, поскольку позволяет профессорско-преподавательскому составу видеть воздействие их методов обучения на познавательный интерес курсантов. Преподаватели оценивают достоинства и недостатки своей работы, продумывают интересные способы преодоления последних. К каждому преподавателю, участвующему в программе повышения квалификации, прикрепляется опытный наставник в качестве руководителя, который оценивает работу начинающего, дает советы относительно используемых им методов обучения курсантов.

По мнению руководства академии, весь профессорско-преподавательский состав должен постоянно заниматься педагогическим саморазвитием и самосовершенствованием. Опытные преподаватели являются примером для начинающих в стремлении следовать за новыми педагогическими веяниями.

Для поощрения и признания достижений преподавателей в Академии сухопутных войск был учрежден специальный грант «Апгара», предназначенный для поддержки проектов. Этот грант присуждается ежегодно преподавателям, достигшим наилучших результатов и внесшим весомый вклад в методику обучения курсантов.

Для оценки эффективности программы повышения квалификации профессорско-преподавательского состава используется ряд специальных средств. Это – оценки, доклады, эссе после окончания работы в академии и др. Преподаватели, отработавшие в академии более трех лет, перед отъездом на новое место службы пишут эссе. Это позволяет руководству узнать об их впечатлениях от академии, о достигнутом ими уровне профессионального развития, а также оценить свою работу.

Как военный, так и гражданский профессорско-преподавательский состав получает ежегодные оценки и периодические рекомендации в течение всего времени, проведенного в академии «Вест-Пойнт». Систематическое обсуждение проблем начинающих преподавателей вместе с опытными позволяет ставить определенные цели и оценивать их достижение за определенные промежутки времени. Наконец, совокупность оценок, полученных за весь учебный год, показывает особенности профессионального роста каждого преподавателя.

Еще одним средством контроля работы преподавателя являются анонимные, доступные по сети Интернет анкеты, получаемые от каждого курсанта в конце семестра. Анкета содержит вопросы о факультете, изучаемых дисциплинах, программе обучения, преподавателях и уровне преподавания дисциплин. Такая оценка позволяет глубже понять концепцию подачи и организацию материала дисциплины.

В Академии сухопутных войск США используется множество способов повышения квалификации, которые приводят к росту педагогического мастерства преподавателей, что помогает им эффективнее обучать курсантов.

Оценки, доклады и эссе являются действенными методами мониторинга достижения поставленных целей программы. Квалифицированный преподаватель подготовит лучшего курсанта, таким образом преподаватели и курсанты смогут вдохновлять друг друга на самосовершенствование в избранной профессии.

# Musiqa jangovar safda

# ВАТАНДА ТИНЧЛИК ТАРАННУМИ

Мусиқанинг бошқа санъат турлари билан биргаликда ривожланишида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳиссаси катта. Унинг ҳукмдорлиги даврида хонанда ва созандалар расмий-дипломатик, ҳарбий ва бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланиб, халқ томошалари, оммавий байрамлар уларсиз ўтмаган. Энг муҳими, мусиқий анжомлар жасорат ва мардлик тимсолларига айланган.

Темур тузукларида «Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсин-

лар: фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар...» деб ёзган эди Амир Темур. Соҳибқироннинг ўзи мусиқанинг ҳис-туйғуларга таъсир имкониятларидан бохабар бўлиб, амалиётда моҳирона фойдаланган. Саройда ўтказиладиган ҳеч бир тантана мусиқасиз бўлмаган. Ҳарбий юришларда ҳам мусиқий асбобларга бўлган ихлосни унутмаган. Унинг ҳарбий амалиёт тарихига киритилган қатор кашфиётлари бор. Масалан, мўъжаз шаҳар ёки қишлоққа ҳужум бошлашдан олдин у ерга эҳтиёткорлик билан карнайчи ва ноғорачилар киритилган. Эрта тонгда беҳосдан бу асбобларнинг янграши аҳолини довдиратиб қўйган ҳамда бу ҳолат ҳарбийларга ёрдам берган.

Аслида аждодларимиздан бизгача мерос бўлиб келаётган ҳарбий мусиқаларнинг ўрни ҳалига-

ча ўз мавқеини йўқотгани йўқ. Ҳарбийларга жанговар рух, халққа эса кўтаринкилик бахш этадиган «марш» темпадаги мусиқаларни ижро этадиган мутахассислар махсус тайёргарликдан ўтишди. Аввало, бундай касб эгалари руҳан тетик, жисмонан бақувват ва алоҳида иқтидорга эга бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри жамоасига ҳам худди ана шундай иқтидорли мусиқачи ҳарбийлар жам бўлган. 2017 йил 13 декабрда ташкил этилган бу оркестрнинг репертуаридан марш, жаз, миллий классик ва Ватанни тараннум этувчи 40 дан ортиқ куй ва наволар ўрин олган. «Халқ ва армия – бир тану бир жон» шiori остида ўтказилаётган очиқ эшиклар куни, ҳарбий қисмларнинг ташкил этилган кунлари, ҳарбий хизматчиларнинг халқаро миқёсда эгаллаган юқори натижаларини нишонлашда оркестрнинг ўрни беқиёс.

Марказий ҳарбий оркестр ўзбек миллий ва жаҳон мусиқий асарларини ижро этиш орқали ҳарбий хиз-

матчилар ва уларнинг оила аъзоларини, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларини, айниқса ёшларни ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, мусиқий жамоа ҳарбий қисм ва муассасалар билан бир қаторда давлат маросимлари, ҳарбий делегациялар қабул маросимлари ва юртимиз бўйлаб ўтказиладиган байрам тадбирларида ўз концерт дастурлари билан қатнашиб келмоқда.

– Юртимизда халқ ва армия бирдамлигини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда, – дейди Марказий ҳарбий оркестрнинг раҳбари ва дирижёри капитан Мансур Раҳимов. – Унинг самараси ўлароқ, ўтган қисқа давр мобайнида фаолиятимизда салмоқли натижаларга эришдик. 2018 йил апрель ойида Хитойда ўтказилган «Тинчлик трубаси» V халқаро фестивалида иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритдик. Худди шу йили октябрь ойида қўшни Тожикистон Республикасининг бир қатор шаҳар ва туманларида ўзимизнинг концерт дастурларимизни намойиш этдик. Ўтган йиллар мобайнида бутун дунёни саросимага солган пандемия даврида ҳам халқимизнинг кайфиятини кўтариш мақсадида очиқ осмон остида ижтимоий масофани сақлаган ҳолда концертлар ташкиллаштирдик. Диёримизда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг кўп миллатли эканлигини инобатга олиб, репертуаримиздан халқ куйлари ҳамда жаҳон классик дурдоналари ҳам ўрин олди. 20 дан ортиқ мусиқани сайқаллаштириш ва чолғу асбобларига мослаштиришда устозимиз подполковник Бахтиёр Саиджановнинг хизматлари беқиёс.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг давлат тадбирлари, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда жанговар сафларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мусиқий асарлари миллий маданиятимиз ва қадриятимиз раўнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»



Муаллиф суратга олган



# Innovatsiya

# ҲАРБИЙ



# ХИЗМАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий мақсади фуқаролар, айниқса, ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбга ўқитиш ҳамда спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.**

2021 йилдан буён «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидagi вазирлик ва идоралар ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумларига кўра, ҳарбий хизматчиларни ўндан ортиқ техник касбга мўлжалланган ўқув курсларида ўқитилиши йўлга қўйилган.

Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мудофаа салоҳиятини ошириш борасида яна бир хайрли ишга қўл урди. «Ватанпарвар» ташкилоти ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ёшлар, шунингдек, контракт бўйича хизмат вази-фасини бажараётган сержантлар таркибини касбга ўқитишни ҳарбий қисмларнинг ўзида йўлга қўйди. Бу хайрли иш Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм билан имзоланган меморандумга кўра амалга оширилди.

Ҳарбий қисм командири майор Дилшод Султонов ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент бирлашган техник мактаби бошлиғи Алишер Эргашев ҳамкорлик меморандумини имзолади. Ҳамкорлик меморандуми қисқагина, бор-йўғи саккиз банддан иборат бўлишига қарамай, унда кўзда тутилган мақсадлар оламга татийди, десак, адашмаймиз. Қандай дейсизми?

Бу ҳақда командирнинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари майор Равшан РАЗЗОҚОВ батафсил маълумот берди:

– «Ватанпарвар» ташкилоти билан имзоланган меморандумга кўра, ҳарбий хизматчиларни касбга ўқитишни тўғри маънода инновация дея олам. Негаки, ҳали бунақаси бўлмаган. Муддатли ҳарбий хизматчиларимиз хизмат жараёнидаги бўш вақтидан унумли фойдаланиб, олти ой давомида ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқиш имкониятига эга бўлишди. Ўқув жараёни ҳарбий қисмнинг ўзида амалга оширилиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Аввалига биз бу ўқув курсларида муддатли ҳарбий хизматчиларимизни ўқитишни кўзда тутгандик. Контракт бўйича хизмат бурчини

ўтаётган сержантлар ҳам рўйхатга киритишимизни сўраб, муурожаат қилишди. Улар орасида ҳайдовчилик гувоҳномасига эгалари ҳам бор. «А», «В» ҳамда «С» тоифаларига эга бўлганлар «D», «E» тоифалари учун ўқиш истагини билдирди.

**– «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ЎНДАН ОРТИҚ КАСБ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ ТАКЛИФИ АЙТИЛДИ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЯНА ҚАЙСИ КАСБЛАРГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРДИ?**

– Ҳозирча ҳайдовчилик курси бўйича. Келгусида ҳарбий қисми-мизда мавжуд иш ўринлари бўйича мутахассисликка ўқитишни йўлга қўймоқчимиз. Айтайлик, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарнинг контракт бўйича хизматга қо-лиш режаси бор. Биз уларга мавжуд иш ўринлари бўйича таклифларни етказган ҳолда, аскарларнинг розилиги билан уларни маълум касбга ўқитамиз. Бунинг учун гуруҳлар шакллантирилади ва «Ватанпарвар» ташкилоти мутахассислари билан келишилган ҳолда ҳамкорлик йўлга қўйилади.

**– ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ҲАРБИЙ ҚИСМДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛИШИ ТЕХНИК ЖИҲАТДАН МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМАЙДИМИ?**

– Меморандум бандларидан бирида «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув синфларини керакли ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаши кўрсатиб ўтилган. Демак, бу борада муаммо бўлмайди. Тез орада ўқишнинг назарий ва амалий жараёнлари бошлаб юборилади. Назарий дарслар ҳарбий қисмда, амалийлари эса махсус майдонлар ва шаҳар кўчаларида ўтказилади.

«Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент бирлашган техник мактаби бошлиғи Алишер ЭРГАШЕВга ҳам бир қатор саволлар билан муурожаат қилдик.

**– МЕМОРАНДУМГА КўРА, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ КАСБГА ЎҚИТИШ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БОШҚА ХУДУДЛАРИДА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛАДИМИ?**

– Бугун биз Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво

кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисм билан меморандум имзоладик. Шунга кўра, мутахассисларимиз айнан шу ҳарбий қисмда хизмат бурчини ўтаётган ва касбга ўқиш истагини билдирганларни ўқитади. Тўғриси, ҳарбий қисмлар билан бу борада биринчи марта ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйилганига гувоҳ бўлиб турибсиз. Ташкилотнинг республика бўйича ҳудудий бўлинмалари ҳам бошқа ҳарбий қисмлар билан ҳамкорлик ишларини бошлаб юборишган.

**– «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ҚАЙСИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА?**

– Ташкилот тасарруфида мавжуд ўқув курсларимизда ўндан ортиқ касб йўналишида таълим олиш имконияти мавжуд. Улардан бири, барча тоифалар бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш курси. Меморандум имзолаш жараёни ту-гаши билан эллиқдан ортиқ ҳарбий хизматчи ҳайдовчилик гувоҳнома-сига ўқиш истагини билдирганининг ўзи муҳим жараённинг механизми ишга тушганидан далолат беради.

**– МЕМОРАНДУМДА ФАҚАТ КАСБГА ЎҚИТИШ КўЗДА ТУТИЛГАНМИ?**

– Ташкилотимизнинг асосий те-зисида ёшларни меҳнатга ва Ватан-ни ҳимоя қилишга тайёрлаш, уларни баркамол авлод вакиллари сифа-тида вояга етказиш, ҳарбий-ва-танпарварлик руҳида тарбиялаш, касбга ўқитиш ҳамда спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Шундай экан, биз ҳарбий хизматчиларнинг фарзанд ларини мотокросс, картинг, ёзги биатлон, биатлон, пневматик ку-ролдан ўқ отиш, авиамодель спорт турлари бўйича бепул тўгаракларга қатнашиш имкониятини яратиб берамиз.

**– МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ПАРАШЮТ СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚАТОР ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ БУ БОРАДА ҲАМ ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТА ОЛАДИМИ?**

– Ҳозирда парашют спортини ривожлантириш учун имкониятларимиз етарли. Қатор амалий ишларни йўлга қўйиб олсак, бу соҳада ҳам ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Парашют спорти бўйича ташкилотимизда тажрибали мутахассислар

етарли. Улар келажакда Мудофаа вазирлигининг парашют спортини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларида ўз ҳиссаларини қўшишига ишонаман.

**– ХУСУСИЙ АВТОМАКТАБЛАРДА ЎҚИБ, ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЯКУНИЙ ИМТИХОНДАН ЎТА ОЛМАЁТГАНЛАР КўПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАПТИ. «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИДА БУ КўРСАТКИЧ ҚАНДАЙ?**

– Битта гуруҳимизда 24 на-фар ўқувчидан 20 нафари якуний имтиҳонни биринчи уринишда топшира олишди. Шундан кўриниб турибдики, бизда хусусий автомак-табларга қараганда самарадорлик 90 фоизга яқин.

**– ЎҚИТИШ ПУЛЛИ БўЛАДИМИ ВА ТўЛОВ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?**

– Албатта, пулли. Ҳарбий хизматчиларга тўлов қулай бўлиши учун олти ой давомида ҳар ой бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиб бердик...

Мутахассислардан олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, Қуролли Кучлар тизимида ҳавас қилса арзигулик воқеликка тамал тоши қўйилди. Тез орада меморандумда кўзда тутилган режалар эса ўз самарасини бера бошлайди. Кутилмаган имконият натижасида кимдир ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритади. Яна кимлардир тегишли мутахассисликка ўқиб, контракт бўйича Ватан ҳимояси йўлида хизматини давом эттириш имкониятига эга. Фарзандларининг хизмат давомида касбга ўқитилаётганини эшитган ота-оналарнинг қувончини айтмайсизми.

Хуллас, миллий армиямиз ёшларга мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бундай имкониятлардан унумли фойдалана оладиганлар эса келажакда ўз ҳаёт йўлини босиб ўтишда қийинчиликларга дуч келмайди. Чунки уларнинг қўлида хунари бўлади. Хунари борнинг эса ҳаётда бахти, ўрни борлигини ҳамма яхши билади.

Асрор РЎЗИБОЕВ,  
«Vatanparvar»



# ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ

## ТАКОМИЛЛАШУВИ



Қурол-яроғ воситаларининг такомиллашуви асрлар давомида шаклланган. Бунда инсонларнинг кундалик эҳтиёжини қондиришдан тортиб, ҳимояланиш ёки қайсидир ҳудудни қўлга киритиш даврида ўзгариб, мукамаллашиб борганидан хавардормиз. Келинг, шу мавзуга янада чуқурроқ ёндашсак.



Энг қадимги ёзма манба «Авесто»да ҳам бундай маълумотларни топиш мумкин.

Камон ва ўқ-ёй узоқ масофадан туриб жанг қилишда қанчалик муҳим элемент бўлса, яқин масофадан жангга киришиш учун найза шунчалик катта аҳамиятга эга. Минтақамизда узун ва қисқа найзалар кенг тарқалган бўлиб, Ўрта Осиё халқлари: бақтрияликлар, парфияликлар, хоразмийлар, сугдийлар, гирканияликлар учун айниқса «қисқа найзалар» жуда хос бўлган. Арриан «Бу халқлар юнон-македон қўшинларининг узун найзаларига қарши ўз найзалари билан ташланишарди», деб ёзади.

Ханжарлар Ўрта Осиёда жуда қадимдан ишлатилиб, уларнинг дастлабки турлари бронзадан ишланган. Ханжарнинг анча узун шакли ханжар билан қилич орасидаги оралиқ форма «акинак» деб номланади. Бу хилдаги ханжарлардан бири Тошкент вилояти ҳудудидан топилган бўлиб, у милоддан аввалги II-I минг йилликка оид.

Давр ўтиши билан бронзадан ишланган ханжарлар темирдан ишлана бошланди ва шаклан такомиллашди. Дастлаб темир-бронза ханжар пайдо бўлди. Уларнинг кесувчи қисми темирдан, тутқичи бронзадан ишланган. Аждодларимиз ҳарбий санъатида қиличлар ҳам катта ўрин туттади. Энг қадимги даврдан то XX аср бошларигача қиличдан кенг фойдаланиб келинганлиги бу ҳужум қуролининг аҳамиятини кўрсатади. Дастлаб калта тешувчи қилич вақт ўтиши билан кескир ва чопқирга айланиб борган.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан қинининг устки қисми ярим айлана (ёки ўроқ) шаклда, ҳимоялагичи тўғри шаклда ва қисқа бўлган, ҳамда қинининг устки қисми доира пластинка шаклидаги, ҳимоялагичи тўғри шаклда ва қисқа бўлган темир ханжарлар топилгани маълум. Уларнинг узунлиги 60 см.ни ташкил қилган.

Милодимиз чегарасида ва бизнинг милоднинг дастлабки асрларида қилич ва ханжарлар формасида баъзи ўзгаришлар юз беради. Энди улар қинининг устки қисми ва ҳимоялагичи металлдан эмас, ёғочдан ишлана

бошланди. Агар олдинги қиличнинг дастаси кичик, фақат бир қўл билан ушлашга мослашган бўлса, эндиликда қиличнинг дастаси анча узун ва икки қўл билан бемалол ушлаш имконини туғдирган. Бундай қиличларнинг узунлиги 105 см.гача етган. Ханжар ва акинаклар тузилиши бир-биридан унча фарқ қилмаган. Фақат бўйида тафовут бўлган. Милоднинг бошларида икки томони ҳам ўткир қиличлар ўрнига фақат бир томони ўткир қиличлар тарқала бошлаган. Камон, ўқ-ёй, найза, қилич, ханжарлардан ташқари гурзи, тошотар ва бир қанча бошқа ҳужум қурол турлари жангларда ишлатилган.

Ўрта Осиёда биз кўриб чиқаётган даврда манжаниқ, палахмон ва бошқа қуроллардан ҳам фойдаланилган. Улардан асосан шаҳар ва қўрғонларни қамал қилишда фойдаланилган. Манжаниқ қадимги Римдаги катапульта қуролининг Осиёча шакли бўлиб, бу қуролдан йирик тошлар, ғўлалар, симоб солиб ёндирилган хумлар ва бошқа йирик, девор тешувчи нарсаларни отишда фойдаланилган.

Ҳимоя ва ҳужум қуролларини турли рангга бўяшга, турли рамзий нақшлар туширишга ҳам катта эътибор берилган. Йирик ҳарбий саркардалар қимматбаҳо тошлар билан ўз қурол-яроғларини безатишга ҳаракат қилган. Бу Ўрта Осиёда қадим даврлардан бери сақланиб келинаётган урф-одат ва ақидалар билан боғлиқ эди. Масалан, қалқонни яшил рангга бўяш мангулик ва узоқ умрни, қизил ранг – жасоратни, олтин ранг – шон-шухратни, оқ ранг – омад олиб келади, деган ақида ўша даврларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқларида қадимдан қуроллар билан бирга ҳимоя воситалари ҳам ривожланиб борган. Совут ва дубулғаларнинг тарихдан жуда кўплаб турлари маълум. Уларнинг асосий қисми дастлаб Шарқ ҳамда Евроосиё чўлларида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа жойларга тарқалган. Дастлаб Ўрта Осиё халқлари орасида балиқ тангачалари шаклида темир пластинкалардан ишланган совут кенг тарқалган. Кейинчалик у грек-македонлар, кушонлар таъсирида ўзгариб борган.

Бир вақтнинг ўзида бир неча хил совут кенг тарқалган. Биз қуйида улардан баъзиларига изоҳ бериб ўтамиз. Чунки улардан кичик ўзгаришлар билан ўрта асрларда ҳам кенг фойдаланиб келинган.

**Узун енгли зирҳланган совут.** Зирҳланган, елкаси баланд ва тик бўлган. Оёқни бутун бўйича ёпувчи қисмга эга, ёқаси юқорига қараб бироз кенгайган, орқа томони олдига нисбатан бироз баландроқ. Ёқа диаметри жуда катта, елка энидан сал кичикроқ. Бундай кенг ёқа унинг ичидаги бош ҳаракати эркин бўлишига имкон беради. Қўл ҳимояси ўзига хос равишда тузилган: у бир-бирига кийдирилган (юқори қисми) халқалардан ташкил топган. Оёқ ҳимояси учун тери ва темир тангалардан фойдаланилган.

### Узун совут.

Юқори ва қуйи қисмлари бир-биридан фарқ қилади. Юқори қисми майда тангачалар билан, қуйи қисми йирик тангачалар билан ҳимояланган. У зирҳланган совутдан тик ёқанинг йўқлиги, оёқ ҳимоясининг ўзгачалиги билан фарқ қилган. Бу ерда тангачалар эмас, юмшоқ материалларга тикилган ярим халқасимон металлдан фойдаланилган.

Ҳимоя кийимининг иккинчи бир муҳим қисми дубулғадир. Милоддан аввалги IV-III асрларда Еттисув ва Жунғориядан то Хитойгача бўлган ерларда «кубан» типдаги дубулға кенг тарқалган. Бу дубулға милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб Скифия ва Эрондан то Жануби-ғарбий Манчжуриягача бўлган ерларда кенг тарқалади, демак, ундан сак ва юэчжи қабилалари ҳам фойдаланган.

Дубулғаларнинг кейинги тури бурчаксимон шаклга эга бўлган. Бу хилдаги дубулғалар милоддан аввалги II-I асрларда йиғма тузилишга эга бўлиб, яъни металл чизиқлар асос қилиб, уларга металл ёки тери қийқимлари мустақамланган. Оқиқ жойлари металл ва тери билан ёпилган бу дубулғалар ўзига хос шаклга эга бўлган.

Ўрта асрлар жангчилари ҳимоясида қалқонлар катта роль ўйнар эди. Улар ўз ҳажми ва тузилиши билан бир неча турга ажралади. Айлана шаклдаги қалқон турли хил металлдан ишланган. Унча калта бўлмаган бу қалқон елкадан белгача бўлган қисми ҳимоялайди. Олд томони сал туртиб чиққан бўлади. Бундай қалқонлар юпқа ёғочдан ишланиб, устидан тери тортилган ёки металл қопланган.

Иккинчи тур қалқонлари айланасимон шаклга эга бўлиб, «келт қалқони» ёки «клипеус» номи билан машҳур ва олдингисига нисбатан анча катта ҳажмга эга бўлган. Бу қалқоннинг асосини узун ва калта ёғоч таёқчалар ташкил этган. Узун таёқчалар бўйига, калта таёқчалар энига қўйилиб, бир-бирига бирлаштирилган. Устидан тери ёки металл тортилган.

Учинчи турдаги қалқонлар юқоридагилардан умуман ажралиб туради. Бу хил қалқонлар унча катта бўлмасдан қуйи қисми тўғри бурчак, юқори қисми учбурчак ёки айланасимон шаклга эга. Дастлаб Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган бу қалқон тури кейинчалик Ҳиндистонда кенг тарқалган.

Умуман, ҳимоя воситалари тўғрисида гапирар эканмиз, уларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Биз бу ерда улардан айримларига тўхталиб ўтдик, холос.

**Бахтиёр ЖУРАЕВ,**  
Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар  
институтининг катта илмий ходими, доцент.  
**Собиржон АБДУЛЛАЕВ,**  
Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар  
институтининг кичик илмий ходими, доцент



# O'tmish haqiqatlari



блағлари эвазига бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Навоийнинг замондошлари бўлган тарихчиларнинг таъкидлашича, «унингдек кўп ва хўб» бинолар қурдирган шахс йўқ.

Аввало ҳароб мадрасаларни обод қилиб, янгиларини қуриб, уларнинг вақфларини тайинлаган Навоий бу даргоҳларда таълим берувчи олимлар, мударрисларга ҳам ўта талабчан эди. Уларни айнан ўзи тайинларди.

Ҳиротда барпо қилинган «Ихлосия», «Шифоия», «Низомия» номли катта мадрасалар тез орада тилга ту-

«Шифоия» мадрасаси тиб илмига хослаштирилган бўлиб, бу ерда тиб илмининг ҳам назария, ҳам амалиётини мукамал билган моҳир табиблар Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад Жалолоддин сингари донишмандлар мударрис эди.

Алишер Навоий ўз харжи билан йигирма бешдан ортиқ хонақоҳ ва масжид қурдирган. Бу бинолар хонақоҳ ёки масжид деб аталган бўлса ҳам, том маънодаги ўқув даргоҳлар эди. Чунки бу биноларнинг теварак-атрофи тўла ҳужра бўлиб, уларда талабалар яшар ва бу биноларнинг ҳар бирида уч-тўрттадан мударрис дарс берар эди.



# «БИНОЙИ ХАЙР»

ЁХУД АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БУНЁДКОРЛИГИ

Алишер Навоий бутун умрини илмга бахшида қилганлигини, кўплаб илмий ва адабий асарлар ёзганлигини яхши биламиз. Аммо унинг эл-улус фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида амалга оширган бунёдкорликлари, қандай бинолар қурдирганини биламизми?

Навоий шахс сифатида шаклланиб, Ҳусайн Бойқаро ҳукуматида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаганидан сўнг нафақат умрбоқий асарлар яратди, балки шахсий ма-

шади. Ҳазрат пойтахт Ҳиротдан йироқда, мамлакатнинг чет вилоятларидаги қурилишларга ҳам бош бўлди. Жумладан, Марвда бунёд этилган «Хисравия» номли катта бир мадраса Навоий бошчилигида қурилган ана шундай бинолардан биридир.

Эътирофга сазовор жиҳати Алишер Навоий қурдирган мадрасалар ҳозирги замон тили билан айтганда, университет мақомига эга эди. Мударрислар бу ерда талабаларга дарс бериш билан бирга илмий ишлар билан ҳам шуғулланар, забардаст олим ва донишмандлар анжуманлари ташкил қилинарди. Масалан, «Ихлосия» мадрасасида асарлари дарслик сифатида қўлланган олимлар Амир Бурҳониддин Атауллоҳ, қози Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий, Мир Муртоз ва Мавлоно Фасиҳиддин сингари алломалар талабаларга сабоқ беришган ва илмий изланишлар олиб борган.

Алишер Навоий қурдирган бинолардан яна бири «Халосия» хонақоҳи деб аталган. Манбаларда ёзилишича, хонақоҳда Амир Жамолиддин Асилий, Амир Садриддин Иброҳим Машҳадий ва Хожа Имомиддин Абҳарий каби етук олимлар дарс берган. Бу хонақоҳ эл орасида жуда машҳур эди. Чунки бу ерда ҳар куни мингдан ортиқ камбағал ва очларга ош-нон тарқатилар, йилда бир марта икки минг фақирга кўй терисидан тикилган пўстин ва бошқа кийим-кечаклар тортиқ қилинарди.

Навоийнинг замондоши «Макорим ул-ахлоқ» муаллифи Хондамирнинг айтишича, Алишер Навоий қурдирган мадраса ва бошқа таълим даргоҳларида йигирма йил мобайнида узоқ вилоятлардан келган минглаб талабалар билим олиб, олим даражасига етишган. Уларнинг баъзилари Ватанларига қайтган бўлса, айримлари Ҳиротнинг ўзида мударрис бўлиб қолганлар.

Навоий Хуросонда карвон юрадиган йўлларда эллиқдан ортиқ работ, Ҳирот ва унинг атрофида йигирмадан ортиқ тош ҳовуз, ўндан ортиқ ҳаммом ва Хуросонни кечиб ўтиш қийин бўлган сувларига ўн бешдан ортиқ кўприк қурди, буларнинг ҳаммаси «Макорим ул-ахлоқ»да номма-ном қайд этилган.

Ҳовуз, ҳаммом, кўприкнинг халқ учун қанчалик катта фойда келтириш ҳар биримизга аён. Аммо сувсиз, дов-дарахтсиз чўлу сахро йўлларида қурилган, мусофирлар ҳамда уларнинг от-уловларини сув, ем-хашак ҳамда озик-овқат билан таъминлаб, уларга ўт бўлиб ёнган ёз ва совуқ аъзойи баданни қақшатадиган қиш пайтларида бағридан жой берадиган работларнинг аҳамияти ўша давр шароитида бошқа умумий биноларга нисбатан ортиқроқ эди.

Муаттар МЕЛИЕВА,  
«Vatanparvar»

Алишер НАВОИЙ

## ТИЛЛА КАМПИР

ҲИКОЯТИ

*Шоҳ Ғозий қаҳрининг гармсели бир қайсар бошоқни барбод этгани, адолатининг суви эса ўша бошоқ битган бузуқ экинзорни обод қилгани*

Саодатли Шоҳ Ғозий подшоҳлик тожи учун курашиб, тахт таллашиб юрган вақтда – ёнида юз, икки юзча одам билан кўчиб юрар, гоҳ Хоразм ерида бўларди, гоҳ Адоқда. Отган ўқлари душман юрагини қон қилиб, тиғи ёв бошини учиради эди. Ўзи асли зо-тида лойиқ бўлгани учун Аллоҳ унга охири ҳукмдорликни берди. Халққа у адолат эшигини очиб қўйди. Тахтга чиқиб ўлтирди-ю, адолат кўрсата бошлади. Иморатлар қуриб, вайроналарни тузатди, зулмни адолат йўли билан бартараф этди. Бидъат ва фиқ-фужур аҳллари йўқолиб, шариат адолатининг қўлини кучайтирди.

Бир куни у айланиш учун чиққан эди. Шунда бир девона кампир унинг этагидан маҳкам

тутди. Нола-ю афғон чекиб, оҳ тортиб, деди:

– Эй, шариатпаноҳ шоҳ! Агар адолат билан иш кўриладиган бўлса, мен сен билан шариат бўйича даъволашман. Шарт шуки, жаҳлинг чиқмайди, саволларимга шариат маҳкамаси – қозихонада жавоб бер.

Шоҳ жавоб берди:

– Агар сен жонини талаб қилсанг ҳам, агар талабинг шаръий бўлса, айбимга жоним билан иқрорман.

Шу айтилган гап бўйича келишдилар, ислом қозисининг ҳузурига бордилар. Улар бир-бирига ёнма-ён ўлтиришди; атрофдаги одамлар ҳаяжон билан турардилар. Иккиси гўё катта маъракада Зол билан Рустам тургандай эди, уларнинг бошида эса бутун олам тўплангандек. Қария деди:

– Шоҳ қазоқлик қилиб кўчиб юраркан, тиғ солиб, ҳар ёққа аскар тор-

тарди. Мен тулнинг биргина жигарим бор эди, у жигарим экинзорининг ягона бошоғи эди. У боғимда битган қомати расо сарв, яна тўғрироғи, қуриган шохимнинг меваси эди.

Шоҳ қиличи билан кўксимни ёриб, жигарпорамни ҳалок этди. У тиғи билан жигаримни кесиб, жигарим қонини ерга оқизди.

Қози айтди:

– Ҳукмимга шубҳа бўлмаслиги учун иккита гувоҳ олиб кел.

У жавоб берди:

– Агар икки гувоҳ керак бўлса: булар – шохнинг ўз адолати ва инсофидир.

Шундай қилиб, яхши ниятли подшоҳ айбига иқрор бўлди. Адолат даргоҳининг одами бўлган қози хун пули тўлаш кераклиги ёки қасос олиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шоҳ деди:

– Шариат шундай ҳукм қилган экан, пайғамбар шариатининг ҳукмига жонимни фидо қиламан.

У қийиқ билан бўйини маҳкам боғлади; катта ҳамённинг эса оғзини бўшатди. Кампирнинг қўлига кўркмасдан тиғ берди, бу томонга эса олтин, кумушларни тўкиб қўйди. Сўнг у деди:

– Қасос оламан десанг, мана, бошим; мақсадинг тирикчиликка пул олиш бўлса, мана, пул. Ўғлингни

ўлдириш ҳақида буйруқ берганимда, бошқа иложим қолмаган эди. Мана, нима қилсанг қил, ихтиёр сенда!

Шоҳнинг адолат ва зўр инсоф кўрсатиши тиғни ғамгин кампирнинг тишларидек ўтмаслаштирди. У узр сўраб шоҳнинг оёғига йиқилди ва деди:

– Эй юлдузларча аскарга эга бўлган подшоҳ! Агар болам сенинг йўлингда қурбон бўлган бўлса, мен қария ҳам сенга жонимни беришга тайёрман. Агар сени изтиробга солган бўлсам, яхшиликча кечир, мен енгилдим. Ваҳ, бу одамни қандай хижолатга солиш бўлди? Буниси қандай лутф-у адолат ўзи?!

Кампир ўзининг даъво-ю достонидан кечиб, ҳатто ўғлининг қонидан, ўзининг жонидан ҳам ўтди. Қизиғи шуки, одил подшоҳ уни ўша вақтда бой ҳам қилди. Юлдузлардек кўплаб олтин-кумушлар уни кўҳна фалакдек яшартириб юборди. Кумушнинг кучидан у кумушдек бўлди. Халқ унга «Тилла кампир» деб лақаб қўйди.

Фалак шум кампирдан қанча алам кўрсанг ҳам, шоҳ адолат қилса, эй Навоий, нима ғам. Эй гулюз соқий, адолат жонини келтир, қара, адолатнинг орқасидан қандай гуллар очилиши мумкин. Адолат қадахини тутки, шодлик билан ичай, замоннинг одил кишисини ёд тутиб ичай.

# ТЕМУРИЙ АБУ САЪИД МИРЗОНИНГ ТАХТГА ЎТИРИШИ



## ЯДА ТОШИ ВА ДАШТ



1451 йилнинг ёзида Темурий Абу Саъид мирзо Тошкентдан чиқиб, Абул Хайрхон билан иттифоқликда сон-саноксиз лашкар билан Самарқандга юриш бошлайди. Қўшин сувсиз Жиззах дашти орқали юриди. Қуёшда қизиётган сахро иссиғининг зўридан юриш қийинлашади, машаққат ортади, жангчилар ҳолдан тояди. Шунда Абул Хайрхон яда тошини ишга солиб, ёмғир чақиршига буйруқ беради. Бу ишни уддаловчилар яда тоши ёрдамида ҳавони ўзгартирди. Тез орада дашт осмонини қора булут қоплайди, момақалдирак гумбирлаб бўрон туради, кўкдан шаррос ёмғир қуйилади. Ёзнинг қоқ ўртасида бир неча кун ёмғир ёғиб туради, кун салқинлашади. Абдураззоқ Самарқандий: «Ёғингарчилик ва совуқ шу қадар кучайиб кетди, яда тошидан воқиф бўлмаган Хуросон кишилари бу ҳолдан бир муддат таажжубда қолдилар», деб ёзади.

Кичиккина яда тоши уларни чексиз машаққатлар даштидан шу тариқа олиб ўтганди. Улар барча қийинчиликларни енгиб, Булунғур бўйидаги Шероз мавзесида етиб келади ва ёғий билан бўладиган жангга ҳозирликни бошлаб юборади. Муаррихлар таъкидлашча, Абу Саъид мирзонинг катта қўшин билан Самарқандга яқинлашгани овоза бўлгач, Абдулла султон лашкари қароргоҳидан жангчилар тўда-тўда бўлиб, унинг ўрдасига келиб қўшилаверибди.

## ФАХР ЭМАС

Абдулла султон ёғийни муносиб кутиб олиш учун мукамал қуролланган лашкар билан Самарқанддан чиқди ва Кўҳак сувидан ўтиб, Шероз қалъаси тарафга юрди. Жангга чанқоқ икки лашкар рўбарў бўлди ва жанговар сафлар тузилди. Ушбу кун дунёнинг барча урушқоклари шу ерга тўпланган эди. Муаррих уруш майдонидаги манзарани ари уясига ўхшатади:

*Арилардек наштадли бир сипоҳ,  
Лекин арилар тўдасидан кўпроқ.*

Жанг асбоблари тахт қилинади, сафлар жанговар тартибда олдинга силжийди, ўқлар уча бошлайди. Отлиқ қўшин жангга киради, кўтарилган чанг-тўзондан осмон кўринмай қолади. Ўлдирилган ва ярадорлар қонидан ер қизғалдоқзор бўлади. Муаррих жангни тобига етказиб таърифлайди ва дейди: «Абдулла султон қодир бўлгани қадар сабот ва қарор оёғини маҳкам босди. Аммо чап ҳам ўнг қанот қўлдан кетиб, қалб унинг давлати аҳволидан ўзгаришга учради. Самарқанд лашкари бирданига қочиш йўли томон бурилди. Ҳаё-ҳай олишувлар асосида Абдулла султоннинг тириклик чеҳраси узра бахтсизлик гарди ўтириб, ҳаётни бой бериш тузоғига илинди ва ўлдирилди. Подшоҳликнинг етилиш авжига кўтарилган баланд кўчати йўқлик бўронидан шикаст топди. Шаҳаншоҳлик рухсорининг офтоб билан тенглашиш даъвосини урган ой тутилиш тузоғига мубтало бўлди. Бу воқеа жумадул аввалнинг иккинчиси, шанба куни (1451 йил 22 июн) офтоб жавзо охирида эканида содир бўлди. Мирзо Абу Саъид султон илохий неъмат шукрини бажо келтирди».

\* \* \*

Абдулла султон жангда ўлдирилди. Унинг тарафдорлари Самарқандни ташлаб қочди. Мамлакатга янги ҳукмдор келди. У ҳам қаттиққўлликда Мирзо Абдулатифдан кам эмасди. Дарвоқе, Абдураззоқ Самарқандий ёзади: «Мирзо Абу Саъид тадбирини кўришга илтифот кўрсатган ва оқил кишилар наздида ғоят мақтовга сазовор бўлган биринчи муҳим иши – мирзо Абдулатифнинг қотилларидан қасос ҳукми бўлди. Уларни қўлга тушириб, шаҳзода Абдулатифга қай ерда қасд қилган бўлса, ўша ерда ўлдириш ва қуйдиришга буюрди». Амаки-ваччалар ўртасидаги бу тўқнашувлардан фахр топиб бўлмайди. Бизда шундай бўлди. Бироқ биз ҳозир Шероз қалъаси харобалари устида-миз, воқеа унинг шундоққина ғарбида бўлиб ўтганди. Истасак, истамасак ҳам уни кўряпмиз.



## ТЎЛОВ

Бу ғалаба Абу Саъид мирзони тахтга чиқарди, Абул Хайрхонни ҳам қуруқ қўймади. Унга ҳисобсиз олтин-кумуш ва бошқа бойликлар тўхта қилинди. Уларнинг орасида энг қимматлиси Мирзо Улуғбекнинг қизи Робиа Биби эди. Шайбонийхоннинг бобоси, ўша машҳур Абул Хайрхон уни ўлжалар қаторида олиб кетди ва никоҳига олди.

Мағлуб бирор нарсасини асраб қололмади, ҳимоя қила олмайди. Юрт маликаси бўлиб турган Робиа Биби мағлубларнинг энг катта тўлови бўлди. Тақдир кейинчалик Турондаги ўз ўйинларини у орқали давом эттирди.

Абул Хайрхон ундан икки нафар ўғил кўради. Уларнинг тўнғичи Кўчкунчихон ва кичиги Суюнчхожахон эди. Тошкентда ажойиб олий мадраса ва масжид қурдирган Наврўз Аҳмадхон Суюнчхожахоннинг ўғли, Робиа Бибининг набираси, Мирзо Улуғбекнинг чеварасидир. У бунёд эттирган олий илм даргоҳи Бароқхон мадрасаси номи билан бугунгача Тошкент шаҳрининг безаги бўлиб, атрофига кўрк бағишлаб турибди.

Шайбонийларнинг Суюнчхожахон тармоғи XVI асрнинг иккинчи ярми ўрталаригача Тошкентда ҳукмронлик қилади. Улар шаҳарда бир қанча бунёдкорлик ишларини амалга оширган.

Робиа Биби вафот этгач, Туркистонда авлиёлар султони ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг муборак зиёратгоҳи ёнига дафн этилади. Тепасига гумбазли мақбара қурилган. Ҳозир обод, зиёратчиларнинг қадами узилмайдиган файзли ва гавжум маскандир. Уни зиёрат қилишга муяссар бўлгандим.

# Mulohaza

# БЕЛИМИЗДАГИ БЕЛБОҒЛАР



## ҲАЛИЯМ МАҲКАММИ?

**Ҳеч эътибор берганмисиз, қиз болага «сен бизнинг ҳимоячимизсан» ёки «катта бўлсанг, бизни боқувчимизсан», дейилмайди. Чунки бу шарафли юмуш биз, йигитларнинг зиммамизда. Ота уйининг чироғини ўчирмаслик, оиладаги тотувликни сақлаб қолиш, уларни ҳимоя қилиш доим эркаклар зиммасида бўлиб келган.**

Инсоният эртанги ҳаётини бугунгисидан ҳам яхшироқ қилишга, тараққий этишга интилиб яшайди. Бу ҳолат эса табиийки, миллатнинг, жамиятнинг ривожланишига олиб келади. Тараққий этаётган давлатларнинг бир-бирига таъсири натижасида халқлар ўртасида маданиятлар интеграцияси юз беради. Оқибатда бир давлат фуқароларининг бошқа давлат маданияти таъсирига тушиши, уни ўз ҳаётига сингдириш ҳолатлари кузатилади. Бунга бир томондан ривожланаётган дунё қиёфаси сифатида изоҳ бериш мумкин бўлса, иккинчи томондан ҳар бир миллатнинг фақатгина ўзигагина хос бўлган хусусиятларининг йўқолиб боришини кузатиш мумкин. Бутун дунё биз ўзбекларни меҳнатқаш, ориятли ва садоқатли халқ деб билади. Хўш, ҳақиқатан шундай бўлса, бугун биз ўша бетакрор хислатларимизга нечоғлик амал қиляпмиз? Эътирофлар ўз кучидами?

«Чин йигитлик сўзим», «ҳа, энди йигитчилик», «йигитчиликда бўлиб туради-да»... Бу каби гап-сўзлар тез-тез қулоғимизга чалиниб туради. Аксарият ҳолларда бундай ибораларга оддий ҳолдек муносабатда бўламиз. Шундай бўлса-да, доно халқимизнинг «қоса тагида нимқоса» қабилида иш тутишига юқоридаги биргина «йигит» сўзи мисол бўла олади. Чунки бу номни «мардлик», «ишонч», «орият», «ғурур» каби сўзларга маънодош қилиб ишлатишади. Уйлаб қоласан киши: «Ўзи бизга бу шарафли ном қачондан бошлаб берилган? Қачон ишончга лойиқ кўрилганмиз?»

Балки, ўша биз дунёни жарангдор чинқирғимизга тўлдириб, отамизнинг қаддинию қадрини баланд, онамизнинг қалбини тоғ қилиб, дунёга келган қуни-мизда билдирилгандир, бу ишонч? «Ўғли борнинг ўрни бор», дея падаримизга илк бора давралар тўридан жой беришганида, волидамизнинг ҳар қуни чўзилиб бораётган бўйимизга қараб тўймаганида туғилгандир, бу ифтихор туйғуси? Афсуски, бу ишонччи оқлай олмаётганлар, ота-онанинг, оға-инининг, дўсту биродарнинг қадрини билмайдиган айрим ўғиллар ҳам бизнинг жинсдошларимиздир.

Сиз «мардлик» ва «йигит» сўзларининг қачон ўзақдошга айланганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асари қахрамони Оқсоқолнинг машҳур ибораси бўларди: «Қани, белида белбоғи боринг келавер-чи!» Бу сўзни эшитган ҳар бир йигитнинг қонида мардлик ва жасурлик жўш урар, ортиқча ваъзхонликка асло ўрин қолмасди. «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас»лиги гўё ёзилмаган қонун

эди. Кўпинча ҳаётимизда, кундалик турмуш тарзимизда айнан мана шундай ёзилмаган қонунлар муҳим роль ўйнашини, улар ғуруримизни, йигитлик шаънимизни тиклаб турганлигини унутиб қўяётгандекмиз. Баъзида кўча-кўйда аёлларга монанд ўтган-кетгандан ғийбатлашиб ўтирган, бозорда аёллар ички кийимларини сотаётган (қўполроқ мисол учун маъзур тутгайсиз, аммо бу ҳам аччиқ ҳақиқат), «йигит киши айтади ҳам, қайтади ҳам» қабилида бировларни алдаб, нафсига қул бўлиб юрган эркакларнинг рафторига қараб туриб, «қани ўша белида белбоғи борлар?» деб юборгингиз келса керак.

Юқорида «орият» ва «ғурур» сўзлари ҳақида гаплашдик. Сизни қуйидаги саволларимиз билан ранжитиб қўймасак керак, деб ўйлаймиз. Агар шундай бўлса, мақоламизнинг мана шу бандини ўқимасдан ташлаб кетсангиз ҳам бўлади. Хўш, ориятли жинсдошим, ён-берингиздан ноз ила ўтиб бораётган қиз-жувонларнинг кийинишию юриш-туришига не дейсиз? Юз-кўзига беармон бўёқ чаплаган қиз сизнинг опангиздир, балки? Бегоналар юрагига шайтоний қутқу солаётганини кўриб, ориятингиз бош кўтармаяптими? Ука бўлиб бир оғиз сўз айта олмайсизми? Сочини минг хил рангга солиб, қулоғига зилдай темирни осиб олган, камига ижтимоий тармоқларда ҳеч кимга гап бермаётган қиз синглингиздир, балки? Ҳатто ўзингиз ҳам ишлатишга уяладиган сўзларингизни улар тилидан эшитиб, ғурурингиз йиғламайдими? Ака бўлиб тўғри йўлга солиш ўрнига ўзингиз ҳам ижтимоий тармоқ юлдузига айланиш илинжида турли хайпларга учиб, алламбало челленжлар, хурмача қилиқлар қилишга уялмайсизми? Бир ғурурли йигит сифатида ўзингизни, виждонингизни нечоғлик устун қўйганингиз каби мўътабар опа-сингилларингизни ҳам шу қадар ардоқлашингиз, ҳимоя қилишингиз керак эмасми? Майли, у сизнинг опа-сингилнинг эмасдир, эҳтимол. Аммо барибир у ким бўлишидан қатъи назар, шу миллатнинг қизи-ку! Сиз қайси касб, қайси соҳа вакили бўлманг, барибир йигитлик мақомингиз қўриқчидир! Қўриқчики, юрт, миллат, ор-номус, шаън, виждон кўриқчиси. Бизнинг виждонимиз эса мўътабарларимиздир.

«Менга нима, сен менга тегма, мен сенга тегмайман», деманг, йигитчиликка тўғри келмайди. Эҳтимол, юқоридаги гаплар билан нафсониятингизга теккандирмиз. Лекин эсингизда бўлсин: дўст ачитиб гапиради. Мен сизнинг жон дўстингизман. Қонимизда мудраб ётган жўмардликни бутунлай йўқотиб қўймасдан бурун ўйлаб кўрайлик, «Белимиздаги белбоғлар ҳалиям маҳкамми?»

III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

# Tafakkur gulshani

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Амир ТЕМУР



Сен агар зоҳир эттинг итликни,  
Мен сенга кўргузай йигитликни.

Алишер НАВОЙ



Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаш керак. Виждонига хилоф иш қилмай яшаса – бундан улуг бахт йўқ. Ҳар бир айтган сўзинг, ишинг ўзингнинг хоҳишингга мувофиқ бўлса – энг катта бахт шу. Аксинча, инсоннинг ўз ички интилишлари, қалби, эътиқоди, сўзи билан иши ўртасида зиддият пайдо бўлса, виждони буюрганини қилолмаса, бу инсон учун жуда катта бахтсизликдир.

Эркин ВОҲИДОВ



Айтилган сўз отилган ўқ, дейдилар. Отилган ўқни қайтиб милтиққа жойлаб бўлмайди. Айтган сўзимизнинг орқасидан қувиб, тутиб келолмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўзимиз, ҳар бир сатримиз учун масъулдирмиз.

Саид АҲМАД



«Ўткан кунлар» янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳлларнинг етишмаклари ила секин-аста тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далдасида ҳавасимга журъат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчимадим.

Абдулла ҚОДИРИЙ



Ота-бобонгиздан қолган тошойнага разм солинг — улар сизга қараб турган бўлишади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



Аёл – гул. Сен боғбонга тикан санчсанг, у ўзга гулни сийпалайди... икки ўртада сенинг меванг етим қолади. Худо шундан асрасин!

Ўткир ҲОШИМОВ



Ақл тарозисида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис, мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим.

Ибн СИНО



Агар Отабек билан Кумушнинг хатлари бутунча ўтган аср услубида ёзилса эди, «эди» ўрнига «эрди», «тупроқ» ўрнига «туфроқ», «мактуб» ўрнига «китобат» ёзилган бўлар, кўпгина ўзбекча иборалар араб-форс тилининг қонунларига асосланган мураккаб иборалар билан алмашинар эди. Ана унда ёзувчи бу хатлар орқали ифода қилган ҳаққоний фикрлар, ажойиб ҳис-туйғулар китобхонга ҳозиргичалик кучли таъсир кўрсата олмас эди.

Пиримқул ҚОДИРОВ

# Ajdodlar jasorati – yoshlarga ibrat!

# ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОТАХОН ИККИНЧИ АСРГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Владимир Чмыхун 1922 йил 10 июлда Одесса вилояти Довровеличковский тумани Новолутково қишлоғида туғилган. Бир неча кун аввал юз билан юзлашган отахон Тошкент шаҳридаги Алпомиш маҳалласида истиқомат қилади. «Тиббий хизмат полковниги» ҳарбий унвонига эришгунига қадар у армия сафида 33 йил (1941 йилдан 1974 йил декабрига қадар) хизмат қилди.



Қаҳрамонимиз Иккинчи жаҳон урушидан олдин Ленинград тиббиёт билим юртида ўрта махсус, касб-хунар таълимини олган. 1950 йилда Ашхобод ҳарбий тиббиёт академиясини битирган.

1941 йилнинг 1 июлида Украинанинг Харьков шаҳри Оржоникидзевский тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳарбий хизматга чақирилган В.Чмыхун Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида жароҳатланган юзлаб ўғлонларнинг соғайиб, сафга қайтишида муносиб ҳисса қўшган. Айниқса, уруш даҳшати инсоният бошига қутқу солган оловли йилларда оғир даражада

яраланган беморларга ҳарбий шифокор сифатида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиб, тезроқ шифо топишига сидқидилдан кўмак берган. Кези келганда, жанговар вазифаларни адо этиш учун кўлига қурол олиб, ғанимни ер тишлатган.

Владимир Андреевич ана шундай фидокорона хизматлари эвазига II даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени (1985 й.), «1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун», «Кенигсбергни олишдаги иштироки учун» сингари ўнлаб медаллар билан тақдирланди.

Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»

Узоқ йиллар Тошкент шаҳридаги Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида фаолият юритган нуроний отахон бугунги кунда фарзандлари, нева ва эваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Икки ўғилнинг отаси, тўрт нева ва ўнлаб эвараю чевараларнинг сеvimли бувиси бўлган Владимир Чмыхуннинг замонлар оша асрларни қаритган кўргулик ва хурсандчиликларини қисқа мақола орқали ифодалаш имконсиз. Аммо унинг юз ёшни қоралаган инсон сифатида айтиладиган ҳаётий хулосалари ёшлар учун ибрат намунасидир.

Мудофаа вазирлиги фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармаси, туман мудофаа ишлари бўлими офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари отахонни қутлуғ юз ёши билан табриклаб, унга совға-саломлар тўхта этди.

– Маҳалламизнинг Буюк ипак йўли кўчаси 137-ўй 29-хонадониде яшовчи нуроний отахоннинг хонадони ёшу кекса меҳмонлардан аримайди, – дейди Мирзо Улуғбек тумани Алпомиш маҳалласи раиси Барно Мажидова. – Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш бугунги ёш авлод келажаги учун қони фойда. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида айтган ибратли сўзлари фақат эзгу хулоса чиқаришга ундайди. Дилдан мулоқот чоғида нуроний бобо давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига берилаётган қатор имтиёзлардан бениҳоя миннатдорлигини изҳор этди. Албатта, юз билан юзлашган бундай табаррук отахонларнинг шижоати, жасорати ҳар қанча эътироф ва эътиборга муносибдир.

# Jarayon

НАВБАТДАГИ ҲАЙЪАТ ИЙГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков раислигида наватдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.



Видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисда Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларнинг барча прокурор-тергов ходимлари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2022 йил 6 ойидаги фаолияти муҳокама қилинди ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Адлия полковниги  
Шерзод ХАЙИТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурорининг  
катта ёрдамчиси

# Matbuot anjumani

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Vatanparvar" ташкилоти марказий кенгашида "Vatanparvar ташкилоти: юшлар учун янги имкониятлар ва имтиёзлар" мавзусида матбуот анjumани ташкил этилди.

## ZAMONAVIY



## YONDASHUV

Unda "Vatanparvar" ташкилоти марказий кенгаши раиси полковник Husan Botirov бугунги кунда ташкилот томонидан аholini, аynиқса, юшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ulарни sportning texnik va amaliy turlariga jalb etish hamda ommaviy-texnik kasb mutaxassisliklariga tayyorlash bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar to'g'risida axborot berdi.

Darhaqiqat, bugungi kunda tashkilot tizimida yoshlar bilan ishlash mexanizmi yaxshi yo'lga qo'yilgan bo'lib, ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish maqsadida "Vatanparvar – mening tanlovim!" shiori ostida ochiq eshiklar kuni, uch avlod

uchrashuvi, "Mardlar qo'riqlaydi Vatanni", "Biz vatanparvarlarmiz", "Mard askar yoshlarga namuna" kabi tadbirlar muntazam o'tkazib kelinmoqda. Anjuman davomida muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan yoshlarni tashkilot tizimidagi

zamonaviy innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan avtomototransport haydovchilarini tayyorlash kurslari va yana 10 turdagi texnik kasblarga mo'ljallangan o'quv kurslarida o'qitish jarayonlari haqida ham aytib o'tildi. Xususan, o'tgan yilda muddatli harbiy xizmatchilarning 723 nafari ushbu kurslarda o'qigan bo'lsa, 2022-yilda ushbu ko'rsatkich 1 548 nafarga yetgan.

Joriy yil boshidan "Vatanparvar" tashkiloti respublika yoshlari bilan ishlashning yangi tizimini yo'lga qo'ygan. Jumladan, tashkilot tomonidan viloyat miqyosida o'tkazilgan sport musobaqalarida g'olib bo'lgan yoshlar tizimidagi ommaviy texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash kurslarida 30 foiz, respublika miqyosidagi musobaqalarda g'oliblikni qo'lga kiritganda esa 50 foiz chegirma asosida o'qish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Yakunda spikerlar jurnalist va blogerlarni qiziqtirgan savollarga atroflicha javob qaytardi.

Sh. EGAMBERDIYEV,  
«Vatanparvar»

# Kelajagimiz egalari



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДИ

Иқтидорли йигитнинг ўз мухлисларига эга эканидан далолат эди. Тадбир давомида ёш овоз соҳиби томонидан янграган кўшиқлар ва ғижжак-бобурий созида моҳирона ижро этилган куйлар ўзбек санъатида яна бир беназир истеъдод эгаси қад ростлаётганини намойиш этиб турарди.

## ОНА ОРЗУСИГА ОШУФТА ФАРЗАНД

Гулистон шахри, 2016 йил. Ҳарбий либос қаддига ярашиб турган ёшгина она, боласининг кўлидан тутганича қаергадир шошиляпти. Йўл-йўлакай нималарнидир маслаҳат қилиб кетаётган она-боланинг кайфияти кўтаринки. Улуғбекмирзонинг ҳаётидаги мана шу унутилмас йўл уни шаҳардаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабига – санъатнинг сеҳрли оламига етаклади. Бунда фарзандидаги истеъдодни англаб етган онаси Зилолаxonнинг ўрни катта эди, шубҳасиз.

Ҳарбий оилада улғайган ўғил-қизлар ҳаёт синовларига эрта рўбарў бўлиши сир эмас. Чунки ҳарбий оилалар турли гўшаларда, турли шароитларда истиқомат қилади. Уч-тўрт жойга кўчиб, ҳатто ўнлаб гўшаларда яшаган оилалар бор. Бу ҳол ҳарбий оила фарзандларидан ўз навбатида, сабр ва ирода талаб этади. Янги таълим даргоҳи, янги устозлар, янги дўстлар... Нозик вужуд, нозик қалб эгаларини қутилмаган шароитларга, синовларга мослашиши осон эмас. Шу тариқа уларнинг кўксига тинчлик қадри, ватанпарварлик туйғуси ҳам улғайиб боради.

2008 йил Қашқадарёнинг Касби туманида туғилган Улуғбекмирзонинг болалик даври ҳам дастлаб Термиз шаҳрида кечган. Онаси – контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Зилолаxon Толибованиннг хизмат вазифаси сабаб, улар Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Гулистон гарнизонларидаги ҳарбий шахарчаларда истиқомат қилишган. Айни дамда ёш иқтидор эгаси Тошкент шаҳридаги Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг саккизинчи синфини тамомлади.

– Улуғбекмирзонинг санъатга бўлган иштиёқи жуда эрта юзага чиққан, – дейди Зилолаxon ўғлининг болалик даврини эслар экан. – Уч-тўрт ёшидан таниқли санъаткорларнинг кўшиқларини тез ўзлаштириб олар, улар телевизорга чиқиб куйлаганида кўшилиб бирга айтиб турарди. Ҳатто кийинида ҳам уларга тақлид қиларди. Тенгқурлари машҳур мультфильм ёки кино қаҳрамонларининг расми туширилган кийимларни ёқтирса, Улуғбекмирзо аксинча расм ва хатлар туширилган кийимларни киймасди, жиддий кийинишни хоҳларди. Тўққиз ёшида Гулистондаги мусиқа мактабига борганида торли созларни танлади. Икки йил давомида устози Фарҳод Суюндиёв унга скрипка созида куй чалиш сирларини ўргатиш билан бирга

кўшиққа ҳам йўналтириб борди. Тўртинчи синфни тугатганидан кейин Тошкент шаҳридаги Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабига ҳужжат топширди...

## САНЪАТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Республикамиздаги мусиқага ихлоси баланд ўғил-қизларнинг аксар қисми Глиэрда ўқишни орзу қилади. Албатта, бу машҳур мусиқа мактабига таҳсил олиш учун жиддий имтиҳондан ўтиш зарур. Ушбу мактабга имтиҳон топширган Улуғбекмирзо ҳам хушxabар кута бошлади. Болам деб тунларни тонгга уловчи онаизор – Зилолаxonнинг ўша дамлардаги туйғулари билан қизиқаман:

– Ота-она борки, болам, деб яшайди, дилбандини ҳаёт синовларида дили озор чекишидан, руҳан чўкишидан асрашни истайди. Ўғлим Глиэрга имтиҳон топшириб келганидан сўнг, болаларга хос бегўбор умид, ишонч билан имтиҳон жавобини кута бошлади. Тўғрироғи, иккимиз кута бошладик. «Агар кира олмаса, болам ўқсийди, ўзига бўлган ишончи сўнади-да», деган хаёл юрагимдан нари кетмасди. Уни ўз навбатида «имтиҳондан ўтмади» жавобига тайёр туришга ҳам кўниктириб боришга ҳаракат қилардим. Қувончли хабар келгач, бизнинг шодлигимизни бир кўрсангиз эди...

Ушбу таълим даргоҳида ўқувчилар мусиқа сирларини эгаллаш билан бирга, умумтаълим дарсларини ҳам ўзлаштириб боради. Бу борада ҳам иқтидорли қаҳрамонимиз аълочилар сафида. Энг асосийси, мусиқа мактаби Улуғбекмирзонинг ижодида катта бурилиш ясади. У ғижжак-бобурий созини пухта эгаллаш баробарида давлат миқёсидаги тадбирларда мусиқа ва кўшиқ ижроси билан катта сахналарга чиқа бошлади. Танловларда салмоқли ютуқларга эришди. У нафақат, республикамизда ўтказилган санъат йўналишидаги беллашувларда, балки 2021 йили Россия Федерациясида бўлиб ўтган 7-халқаро танловда ҳам I даражали лауреатлик дипломини қўлга киритган. Унга тақдим этилган юздан зиёд диплом, фахрий ёрлик ва ташаккурномалар ёш ижодкор иқтидорининг эътирофи, десак, арзийди. Ўн тўрт ёшли ўсмир йигитчаниннг юздан зиёд диплом, фахрий ёрлик ва ташаккурномаларга, қолаверса, қимматбаҳо совғаларга эга бўлиши... Бунинг тасаввур этишининг ўзи ҳайратли.

– Мусиқа мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида таҳсил оляпман, – дейди Улуғбекмирзо устозлари ҳақида тўхталар экан. – Устозим Воҳиджон Мирзалиевнинг сабоқ ва талабчанлиги сабаб, барча торли-камонли созларда ҳамда пианинода куй чалиш сирларини эгаллаб боряпман. Шунингдек, таниқли бастакор Султонали Раҳматов қаттиққўл устоз сифатида ўғит ва маслаҳатларини аямайди. Дунёга машҳур хонандаларнинг кўшиқларини сахнага олиб чиқишим учун ҳар томонлама таянч бўлиб туради.

Катта сахналарда кўшиқ куйлаб шунга амин бўлдимки, мен учун энг сеvimли бўлган оҳанглар бу она Ватанимга бағишланган, унинг тенгсизлиги тараннум этилган тароналардир...

Дарҳақиқат, она юртга бағишланган кўшиқларнинг оҳори тўқилмайди, ҳар ижрода янгилашиб, дилларни мафтун этиб бораверади. Улуғбекмирзо Раубхоновнинг ижодида нафақат Ватан баёти, балки ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар ҳам талайгина. У 2021 йил Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган «Мардлар кўриқлайди Ватанни!» ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар танловида муаллифлик қўшиғи билан қатнашиб, ташаккурномага эга бўлди. Ёш иқтидор соҳиби Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Улуғбекмирзо Раубхоновнинг яна бир қирраси у 2020 йил режиссёр Зилола Жўраева томонидан Мудофаа вазирлиги ва Тошкент ҳарбий округи ҳамкорлигида суратга олинган «Матонат» теленовелласида етакчи ролни ижро этиб, актёрлик маҳоратини ҳам намойиш этди.

Кўксига ватанпарварлик туйғуси жўш уриб турган санъат соҳибининг ижроси ўзгача янграйди, қалбларга ўзгача етиб боради. Кўшиқ куйлаётган ёхуд куй чалаётган Улуғбекмирзонинг нигоҳларида ҳам мана шу бетакрор туйғунини кўриш мумкин. У сахнага чиққани, сахнага ўзиники қилиб олади, берилиб, юракдан куйлайди.

Ҳарбий оила фарзанди Улуғбекмирзо Раубхонов айни дамда санъат доvonининг бошида турган, чўққи сари интилаётган ёш иқтидор эгаси. Бу йўлнинг синов ва машаққатлари ҳали олдинда. Тошкент ҳарбий округида хизмат бурчини бажараётган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Зилолаxon Толибованиннг оналарга хос эзгу тилаклари билан айтганда: «Ўғлимнинг машҳур бўлишини эмас, элга сеvimли, имон-эътиқодли инсон бўлишини ният қиламан. Орзум – ўз йўли, ўз мусиқа ва кўшиқлари билан ўзбек санъатини дунёга олиб чиқсин, илоҳим».

Тингланг, сахнада ўз мухлисларига эга бўлиб улгурган ўн тўрт ёшли Улуғбекмирзо Раубхонов кўшиқ куйлапти. Жарангдор оҳанг қанотидаги Ватанга бўлган муҳаббат кўнгиллари махв этмоқда:

*Олдинда зўр доvonлар,  
Дилда орзулар катта.  
Аждодларнинг изидан,  
Мардонавор юргаймиз.  
Олов қалбли шиддаткор,  
Ёшлар билан албатта,  
Янги Ўзбекистонни,  
Биргаликда қургаймиз...*

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»



**Сахнада кўшиқ янграпти, ўсмир йигитчаниннг жарангдор овози барчани маҳлиё этган. Кўшиқ қатларидаги Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат изҳори неча юзлаб санъат мухлисларининг дилига муҳрланмоқда:**

*Сен мениннг юракда  
оққан қонимсан,  
Жонимдек суйганим,  
танда жонимсан,  
Бошим силагувчи  
меҳрибонимсан,  
Отам ҳам, онам ҳам сен  
ўзинг Ватан!..  
Қиблам – Каъбатуллом  
сен ўзинг Ватан!*


Ҳарбий оила фарзанди Улуғбекмирзони таниганимга кўп бўлмади. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган «Мен янги Ўзбекистоннинг бахтли фарзандиман!» дея номланган маънавий-маърифий тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг иқтидорли ўғил-қизлари иштирок этди. Тўғрироғи, санъатнинг турли йўналишларида эътирофга сазовор бўлган болажонлар ўз талантини тадбир қатнашчилари – томошабинларга намойиш этишди. Улуғбекмирзо Раубхоновнинг номи эълон қилинганида, зални қарсақлар садоси тутди. Бу –




# ЎТ-ТОШ

## КАСАЛЛИГИ

### ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ(МИ?)



Маълумотларга кўра, Ер юзи аҳолисининг беш фоизи ўт пуфагида тош «кўтариб» юрар экан. Шуниси қизиқки, мазкур аъзо фаолияти билан боғлиқ хасталиклар эркакларга қараганда аёлларда икки-уч баравар кўпроқ кузатилади. Хўш, ўт пуфаги яллиғланиши, тош йиғилиши, ўт димланиши, қурт пайдо бўлиши каби синдромлар қандай юзага келади? Бу касалликларни орттириб олмаслик учун нималарга риоя этиш лозим? Қуйида шу ҳақда батафсил маълумот берамиз.



Ўт пуфаги овқат ҳазм қилиш тизимининг муҳим аъзоларидан бири. У жигар чиқарган ўт суюқлигини тўплаш ва қуюлтириб бериш вазифини бажаради. Биз овқат истеъмол қилганда ўт қопидан ажралган суюқлик ўн икки бармоқли ичакка томади ва овқатдаги ёғларни парчалаб, таом ҳазмида иштирок этувчи ферментларни фаоллаштиради.

Одам жигари бир кеча-кундузда 2 литргача ўт ишлаб чиқаради. Жигарнинг тўхтовсиз ўт ажратиши организмда кечувчи табиий жараёндир. Агар овқат ҳазм қилишда муаммо бўлмаса, ўт пуфаги ҳам фаол ишлайди. Аксинча бўлса, унда турли касалликлар келиб чиқиши мумкин.

#### ХОЛЕЦИСТИТ БУ – ЯЛЛИҒЛАНИШ

Ўт пуфаги яллиғланишига баъзан кўп овқат ейиш, жуда ёғли, шўр ёки аччиқ таом истеъмол қилиш, совқотиш, бошқа аъзолардаги кучли яллиғланиш жараёнлари ҳам таъсир қилади. Холецистит ўткир ва сурункали турда кечади. Масалан, ўткир холецистит ривожланишига ўт қопида қон айланишининг бузилиши, ўт қопи бўйинчасининг букилиб қолиши, меъда ости беши ширасининг ўт йўлларига оқиб тушиши сабаб бўлади. Натижада бемор ўнг қовурға ости ва қорин усти соҳасида бирдан оғриқ турганидан безовталанади. Кейин эса оғриқ ўнг елка ва ўнг курак соҳасига тарқалади.

Бемор кўпинча ўнг томонга ва орқага эгилган ҳолатда ўтиради, чунки ҳаракат ҳамда нафас олиш оғриқни баттар кучайтиради. Ўткир холециститда тана ҳарорати ошади, бемор титраб-қақшайди. Тил қуруқлашади, оқ караш билан қопланади. Беморнинг кўнгли айниб қусади, қорни дам бўлади. Гоҳида қабзият кузатилади.

Сурункали холецистит ўткир холециститдан кейин пайдо бўлади. Бироқ кўп ҳолларда бу дард мустақил равишда, яъни ўт-тош касаллиги асосида келиб чиқади. Семириб кетган, ҳазм аъзолари ва ошқозон ости беши касаллигига дучор бўлган кишиларда ҳам сурункали холецистит келиб чиқиши кузатилади.

Сурункали холециститда бемор ўнг қовурға остида сушт оғриқ сезади, бу оғриқ кўпинча ёғли ва қовурилган овқат егандан 1-3 соат ўтгач, бошланади. Беморнинг оғзи тахир бўлиши, кекириш, кўнгли айниши, ич дам бўлиши, қабзият ёки ич кетиши сингари ҳолатлар безовта қилади.

Шунингдек, сурункали холецистит хуруж қилганда бемор асабий бўлиб қолади, ухлолмайди. Баъзан дори-дармонлар қабул қилгандан сўнг беморнинг аҳволи яхшиланади. Лекин овқатланиш тартиби бузилса, спиртли ичимликлар ичилса ёки

оғир жисмоний машқлар бажарилса, касаллик қайталаниши мумкин. Баъзида сурункали холецистит узок йилларгача чўзилади, гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туради. Агар бемор етарлича муолажа олмаса, сурункали холецистит ўт пуфагида тошлар йиғилишига олиб келади.

#### ЎТ НЕГА ДИМЛАНАДИ?

Овқат ҳазм бўлиши бузилганида жигар ажратаётган суюқлик ўт пуфагида тўпланиб, димланади. Шунингдек, уйқу олдидан тўйиб овқатланиш ҳам ҳаракатсизлик сабаб ҳазм бўлмай, ўт суюқлиги димланишига олиб келади. Тез-тез жиғилдон қайнаши ўтнинг димланишидан дарак беради.

#### НАҲОТ, ТОШНИ СЕЗМАСАК?

Маълумки, ўт пуфагидаги суюқлик бир неча таркибдан иборат. Шунга кўра, ушбу аъзода юзага келувчи тошлар ҳам таркиб жиҳатидан бир-бирдан фарқланади. Масалан, ўтда кальций туз чўкмасидан ҳамда билирубин пигментидан ҳосил бўлувчи тошлар бўлади. Уларнинг ўлчами 0,1 мм.дан 5 см.гача бўлиши мумкин. Ўт пуфагидаги тош жойидан қўзғалмагунча беморда ҳеч қандай безовталиқ сезилмайди. Ҳатто оғриқ ҳам бўлмайди. Лекин беморда аҳён-аҳёнда кўнгли айниши, жиғилдон қайнаши ёки оғиз тахирлашиши кузатилади. Тош ўт йўлига томон ҳаракатланиб, уни беркитиб қўйганида эса ўнг қовурға остида санчиқли оғриқ юзага келади. Сўнг оғриқ – қорин, ўнг курак, ўнг елка, ўмров суяги ва кураклараро соҳага тарқалиб, безовталиқ кучаяди.

#### КАСАЛЛИК НАСЛ СУРАДИ(МИ?)

Ўт-тош касаллиги юзага келишининг омиллари турлича. Шулардан энг кўп тарқалгани – ҳаддан ортиқ ва пала-партиш овқатланиш, камҳаракатлик, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, ўт димланиб қолиши кабилар. Қолаверса, ирсий боғлиқлик ва семиришга мойиллиги борларда ҳам ўт-тош касаллиги учраши мумкин.

Агар оилада кимдир ўт-тош хасталиги билан оғриси, бу кейинги авлодларга ҳам ўтади, дегани эмас. Лекин шуни унутмангки, агар сизда ўт пуфаги хасталикларига мойиллик бўлиб, носоглом турмуш тарзини кечирсангиз, сизда ўт-тош касаллигининг юзага келиши эҳтимоли ортади.

#### ЎТ ПУФАГИ ҚИЙШАЙСА...

Баъзан турли сабабларга кўра, (масалан, ўткир холецистит ёки ўт-тош касаллиги туфайли) ўт пуфагининг бўйинчаси букилиб қайрилади ва шакли ўзгаради. Бу вақтда беморнинг кўнгли айнийди, қусади, овқати ҳазм бўлмайди, баъзан қорнида оғриқ туради.

Ўт пуфаги қийшайганда ўт (сафро)нинг равоқ ўтиши қийинлашиб, димланади, яъни узок туриб қолади, натижада овқат яхши ҳазм бўлмайди, бемор ўнг томонида ноқулайлик, кўпинча оғирликни ҳис этади. Айрим ҳолларда кишининг мунтазам оғир юк кўтариши туфайли ҳам ўт пуфаги қайрилади.

Кексалик ёшига яқинлашаётган ёки жисмонан заиф одамларда ўт пуфагининг қийшайиши ўз-ўзидан рўй беради. Кўпчилик беморлар «Қийшайган ўт пуфагини тўғрилаш учун операция қилиш шартми?» деб сўрашади. Агар бемор буюрилган дори-дармонларни ўз вақтида қабул қилса ва парҳезга риоя этса, ўт (сафро) ажралиши яхшиланиб, ичакларга ўтиши равоқлашади ва шунда ўт пуфаги ўз ҳолига қайтади. Ўт пуфагида қийшайиш бор беморлар ёғли ва қовурилган овқатлар, ични дам қиладиган шоколад ва донли маҳсулотларни ҳамда хамирли таомларни вақтинча емай турганлари маъқул. Зираворлар, қовурилган тухум, нордон мевалар ва қаҳва ҳам вақтинча тақиқланади.

#### ЎТ ПУФАГИСИЗ ҲАМ ЯШАШ МУМКИН!

Ўт пуфагида тош йиғилиб, ўт йўлига тикилиб қолса, у жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Чунки тош олиниб, ўт пуфаги қолдирилса, ўша ерга яна тош йиғилиш эҳтимоли мавжуд. Хавотирланманг, ўт пуфаги йўқлигини организм ўз-ўзини қайта тиклаш функцияси орқали билин-тирмайди. Бироқ ўт пуфагининг олиб ташланса, олти ой мобайнида қатъий парҳезга риоя этишингиз керак бўлади. Кейинчалик ҳам парҳезбop маҳсулотларни тановул қилишга одатланишингиз лозим бўлади. Қолаверса, тўйиб овқатланмаслик, уйқу олдидан таомланиш ҳам тавсия этилмайди.

#### «ЮВДИРИШ» МУОЛАЖАСИ

Ўт пуфагида турли чўкмалар ҳосил бўлиб, безовталиқ кучайиши, ейилган овқат ҳазм бўлмай, ошқозонда туриб қолиши, шунингдек, ушбу аъзода лямблия мавжуд бўлиши ювдириш муолажасини талаб қилади. Мазкур амалиёт шифокор кўрсатмаси билан бажарилади ва у фақат ўт пуфагида тош бўлмагандагина буюрилади. Бир марталик муолажадан сўнг уни такрорлаш шарт эмас.

Профилактика учун маккажўхори попуғи, наъматак ҳамда сафро ҳайдовчи дамламалардан ичиб юриш мақсадга мувофиқдир.

#### ЁДДА ТУТИНГ!

Ўт пуфаги касалликлари ҳамда унинг олдини олиш учун сархил мева ва сабзавотлар, барра кўкатлар, ёғсиз сут-қатиқ, творог, йирик тортилган буғдой унидан тайёрланган нон ва ширинликлар, турли ёрмалар, балиқ ва денгиз маҳсулотлари, ёғсиз гўшт истеъмолини кўпайтиринг. Тўйиб овқатланишдан сақланг.

#### ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФГА ҚЎЙМАНГ

Айрим ҳолларда ўнг қовурға остида пайдо бўлган оғриқни енгиллаштириш, деб иссиқ грелка қўйиб ёки бадани иситувчи суртмалар суртиб, даволамоқчи бўламиз. Аммо бу мутлақо нотўғри! Шунингдек, тошни майдалаб туширадиган дамламалару ўт пуфагини тозалайдиган чойларга ҳам ишонманг. Чунки ўзбилармонлик қилиб «давоганиш» ўт пуфагининг ёрилишига олиб келиши мумкин. Яхшиси, ўз вақтида шифокорга учраб, керакли муолажаларни олинг.

**Гулнора ҲОЖИМУРОВОВА**  
тайёрлади.

# ҚАЙТИШ

(хикоя)



**Шукрия аёллар орасида ўтириб, ҳовлида келдикетди билан овора эрига кўзи тушди. Бевозтадек кўринди. Агар онаси оламдан ўтмаганида келармиди... Келмас эди! Аччиқ ўй ёш аёл қалбини тилиб ўтди. Қандай ёруғ умидлар билан унга турмушга чиққан эди. Авваллари бошқача меҳрли эди. Кейин узоқлаша бошлади. Ота-онасининг норизолигига қарамасдан ўқишдан кейин катта шаҳарда ишлаб қолди. Уч йил деганда фарзандли бўлдилар. Негадир бу хабар эрини севинтирмади. Совуққина қабул қилди. Шукриянинг боши осмонда эди, зора шу гўдак уларни яна яқинлаштира...**

Қайғу ҳам қувонч билан ёнма-ён экан. Бола туғилганидан олти ойлар ўтиб, Шукриянинг онаси вафот этди. Отасини эслолмайди. Ота-онаси ёшлари анча улғайиб, энди умид ҳам қилмай қўйган бир паллада фарзандли бўлганлари учун қизалоққа Шукрия исмини қўйдилар. Етимлик бошига эрта тушганига қарамасдан, ҳеч нарсага зориқмай улғайди. Раҳматли отаси ишбилармон киши эди. Каттагина боғлари, иссиқхонаси бўлиб, улардан яхши даромад келарди. Отасидан кейин

боғ ва иссиқхона ишларини она ўз зиммасига олди. Ёлғиз қизини шу тариқа вояга етказди. Салим подачининг шаҳарда ўқийдиган якка-ёлғиз ўғлидан совчилар келганида онаси бироз иккиланди, қизининг раъйига қаради. Эндигина мактабни битирган қиз турмуш ташвишларини эплаб кетармикан? Кейин рози бўлди, кўзимга яқин ерда бўлади-ку, соғиниб ўртаниб юрмайман, икки уй нарида бўлса, «хув» десанг, овозинг етадиган жой, шуниси ҳам маъқул, дея онаизор ўзига таскин берди.

Шукрия тамоман ёлғизланиб қолди. Қайнонасининг сўнг сўзларини эслади: «Қизим, мени кечир, мендан рози бўл, яккаю ёлғиз ўғилдан умидларим бунақа эмасди...» Қизик, икки йил аввал қайнотаси ҳам айни шундай сўзлар билан рози-ризолик тилаган эди-я?! Йиғи-сиғи билан чуқурроқ ўйлаб ҳам кўрмабди. Ҳар икковлари ҳам ниманидир билишган, ётиб қолмасидан сал аввал қайнотаси ўғлининг ёнига катта шаҳарга бориб келган эди. Кайфиятсиз эди ўша кунлар. Кейин ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ётиб қолди. Сўнгги нафасига қадар эшикка кўз тикди.

Жувон эрининг бевозта хатти-ҳаракатларини кузатар экан, ота-онасининг вафоти уни заррача қайғуга солмаганини ҳис қилди. Шаҳарга ошиқарди, тезроқ маъракалари ниҳоясига етса-ю, ортага қайтса. Нимага ёки кимга бунча ошиқяпти?! Уч ёшга кираётган Рустамжоним, Рустами дostonим ҳам қизиқтирмасмикан? Шу болани туғилган кунларида ҳам бирор марта йўқламади-я, номард?! Мен ёмон бўлсам, боламда гуноҳ йўқ-ку?! Боласининг хаёли Шукрияни ўзига келтиргандек бўлди. Кечга яқин эри ҳам хайр-маъзурни насия қилганича шаҳарга сурворди.

Агар эри беш йил аввал ўзини шунақа тутганида Шукрия қайғудан ўзини йўқотган бўлар эди. Ҳозир ҳам хурсанд эмас, аммо бу совуқ муносабатларга энди кўникиб ҳам борарди.

Бу кўргиликлар ҳаммаси ҳолва экан. Энг даҳшатлиси ёз оёқлаганда юз берди. Эри таътилни улар билан ўтказар эмиш. Шукрия хайратда қолди. Наҳотки, уларнинг ёнига қайтди? Кўзларига ишонолмасди. Келганидан бери Рустамни кўлидан қўймайди. Бир-икки кун ўтиб, бола ўз-ўзидан қайт қила бошлади. Эри болани машинасига ўтқазиб, касалхонага олиб кетди. Шукрияга «сен қолавер, ўзим», деганича машинасини ўт олдириб, касалхонага кетди. Аёл юрак ҳовучлаб қолаверди. Кечга яқин ота-бола кириб келди. Ўғлининг ранглари бироз синиқибди. Гўдак келасолиб онасига талпинди. Боласини бағрига босиб, эркалади:

– Рустамжоним, Рустами дostonим, сен мени жуда кўрқитдинг, опоқ бўлиб қолдингми, дўхтирлардан кўрқмадингми, полвоним?

– Дўхтирлар йўқ, – деди бола жажжи қўлчаларини икки томонга ёйиб, – сувга тушиб ўйнадим, дадажон билан ўйнадим.

– Ҳимм, алдаб-сулдамасанг, ариллаб оламни бузади, нима дейсан энди, – деди эри уларга қараб, киприк қоқмай. – Аҳволи яхши эмас, Тошкентга олиб бориб, катта дўхтирларга ҳам кўрсатинг, дейишди.

– Нега аҳволи яхши эмас, ахир шу кунгача ҳатто қорни дам бўлмаган?!

– Билмадим, сенга туман марказида ишлайдиган дўхтирнинг гапини айтяпман. Истасанг, олдингга олиб ўтиравер.

– Тошкентга мен ҳам бораман, ўғлимсиз бир кун ҳам яшолмайман, ўзим кўлларимда кўтариб юраман.

– Менга ишонмайсан-да, а, ўғлимга менинг ҳеч қандай ҳаққим йўқ, шундайми? Ҳатто шифокорга кўрсатолмайманми ўз ўғлимни?

– Ишонаман, мен ҳам ёнида бўлишим керак, у менинг жону жаҳоним ахир, – шу сўзларни айтиб, Шукрия йиғлаб юборди.

– Тошкент қочиб кетгани йўқ, машинада нари борса тўққиз соатлик йўл, таниш шифокор оғайнилар бор, шуларга кўрсатаман-у, ортага қайтаман. Яна ўзинг биласан.

– Мен ҳам қўшилиб борсам, машинангиз ёйилиб қоладими?

– Э, билганингни қилмайсанми, яхшилик ёқмаган хотин...

Шу пайт Рустамжон яна қайт қилди. Икковлари ҳам болага интилдилар. Шукрия қўзларидан маржондек ёшлари оқиб, боласини бағрига босди. Чор-ночор қайт қилавериб, холсизланган боласини эрига тутди.

Йиллардек узоқ кечган ҳафтадан сўнг эри Каримнинг ўзи сўппайиб кириб келди. Келди-ю, ўқириб йиғлаб юборди.

– Ўғлимиз нобуд бўлди, касали ўтиб кетган экан...

Буни эшитган Шукрия кесилган дарахтдек айвонга гурсиллаб қулади. Кўзини очганида атрофида тумонат одам, хотин-халаж тўпланибди.

– Қани у, шумқадам, Карим оқпадар, қани?..

– Шукри, мен кўнглидан келганини қилдим...

– Шумқадам Карим, боламни топиб бер, уни сен ўлдирдинг, сен! Мени ҳам болам билан қўшиб кўм, уни қаерларга ташлаб келдинг, совуқ дийдорини ҳам кўрсатмайсанми, золим?!

– Каримбой, йўл узоқлигини баҳона қилмай гўдакнинг жасадини олиб келавермабсан-да, бу шўрликнинг юраги қандай совийди энди? – деди ёши улўғлардан бири ҳали худ, ҳали беҳуд Шукрия томонга ишора қилиб.

– Аллоҳнинг иши, менинг қўлимдамидики...

– Салим подачи ҳам фақат молларнинг ортидан юриб, уйдаги тиррақи бузоғини унутган экан-да, – деди афсус билан яна ўша қария. Ҳамма жим бўлиб қолди.

Кунлар ўтаверди. Шукриянинг сояси қолди. Ҳаёт, унинг борлиги Рустамжон билан экан. Эри аллақандай қоғозларга қўл қўйдирди. Ажрашяпмиз, деди. Аёл бош ирғаб қўйди холос. Шундан кейин Каримнинг ҳам бу ерлардан қораси ўчди.

Бироз ўзига келганида боласининг қабрини суриштирди. Тайинли жавоб олмади. Карим хотини билан Америкага кўчиб кетган эмиш. Қачон уйланган экан? Энди бунинг аҳамияти борми?

Бир куни уни қўшни қишлоқдан олтимиш ёшлардаги биров йўқлаб келди. Ота уйини бўшатиб қўйишни сўраб келибди. Анчадан бери кутаётган экан, бошига тушган ғамлардан хабари борлиги учун шу пайтгача индамабди. Шукрия

лол бўлиб қолди. Унинг ота уйини ким сотди? Карим сотибди. Ҳаммаси қонуний эмиш. Ўй-ўй, номард Карим, бировнинг ғамидан ҳам фойдаланса-я?!

Шукрия фарёд билан ўзини эркакнинг оёқларига отди, ялинди:

– Ёлвораман, ота уйимдан бир парчагина жойни менга ажратинг, ҳеч бўлмаса, отам қурган уйларни қолдиринг, барибир у уйларда яшамасиз, эскирган. Уша эски уйлар эвазига шу ҳовлимни олинг, розиман...

Эркак бунақасини қутмагани учун довдираб қолди. Шукрияни турғизиб, айвон четига ўтказди.

– Қизим, агар кўнсанг, бир шартим бор, бу сир то қиёмат иккимизнинг ўртамазда қолсин, розимисан?

– Розиман, айтинг, – ҳиқиллади аёл.

– Қизимдан бир ёдгорлик қолган... Йигит тан олмади. Агар шу қизалоқни тарбиянга олиб, оқ ювиб, оқ тарасанг, ҳозирок бу уйлардан воз кечаман.

– Жоним қурбон бўлсин, ўша қизалоққа.

\*\*\*

Она-қиз суҳбатга берилиб, Жаҳонгир хонага кирганини сезмадилар.

– Ҳали ҳам кеч эмас, ёшсан, уриниб кўринг, бировнинг боласи болали қилармиди, тавба, лабининг устидаги холи айнан уники билан бир хил, ўғил бола ҳам онасига шунчалик ўхшайдими? – дерди она куюнганича.

– Йўқ, Жаҳонгирни ўзим катта қилдим, у менинг болам, мен унинг онасиман, хол ҳаммада ҳам бўлаверди, ундан кейин ўша қишлоқки ўғлим ўлган, деб ўйлайди.

Полга дупурлаб тушган олмага қараб, икки аёл қотиб қолди. Иккисининг ҳам бош кўтариб қарашга холи қолмаган эди.

– Менинг онам ким? У қаерда? Агар жавоб бермасангиз, бу уйда мени қайтиб кўрмайсиз.

\*\*\*

– Онажон, уйимизга чет эллик одам келди, сизни чақиряпти, – деди ўн икки ёшлардаги қизалоқ боғ томонга қараб.

Боғ томондан тупроқ теккан узун этакларини қоқиб, ўрта ёшли аёл чиқиб келди. Қўнғироқ сочлари елкасига тушган, оппоқ юзли, лабларининг устида ярашиқли қора холи бор ўн олти-ўн етти ёшлардаги бўйчан бир йигитга кўзи тушди-ю, қотиб қолди. Бироздан сўнг ўзига келиб, қўлларини йигит томон чўзди.

– Рустам, Рустамжоним, Рустами дostonим... Мен сезар эдим, мен сенинг борлигингни ҳис қилардим, болажоним...


Йигит онасининг қучоғидан чиқиб, юзларини кафтлари орасига олди ва деди:

– Мен сизни тушларимда кўрардим, ҳеч юзингизни эслаб қола олмасдим, худди ҳозиргидек чақирардингиз, Рустамжоним, Рустами дostonим... Буни бировга айтишга ийманардим. Чунки мени ҳамма Жаҳонгир деб чақирарди. Энди биз биргамиз, энди бизни ҳеч ким ажрата олмайди.

– Сен Рустамсан, Рустамжонимсан, Рустами дostonимсан.

Йигит онасининг эрта оқарган сочларини силади, ўпди, тупроқ юқи қўлларини ёшли кўзларига сурди. Оёқларидан мадор қоцаётган онасини яна маҳкамроқ бағрига босди, уларга қизалоқ ҳам келиб қўшилди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



## # Dzyudo

Vengriyada Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) taqvim rejasidan joy olgan yirik musobaqalardan biri – Budapesht “Katta Dubulg’a” turniri bo’lib o’tdi. Mazkur nufuzli musobaqada terma jamoamizning 7 nafar a’zosi qatnashdi va yakunda 2 nafari shohsupaga ko’tarildi. Jumladan, Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Shohruh Baxtiyorov bronza medalga erishdi. Ushbu nufuzli musobaqadan so’ng IJF o’zining yangilangan reytingini e’lon qildi.



## MVSM VAKILI ISHONCHNI OQLADI

(IJF REYTINGIDA ESA DZYUDochILARIMIZDA YUKSALISH)

Gazetamizning avvalgi sonlaridan birida biz Mo’g’ulistonda o’tkazilgan Ulan-Bator “Katta Dubulg’a” turnirida dzyudochilarimizning 4 nafari shohsupaga ko’tarilgani xususida xabar berib, maqolada ushbu muvaffaqiyatlarga bu yil osonlikcha erishilmayotgani, avvalgi mavsumlardagiga nisbatan qiyin kechayotgani va uning sabablari, ayrim murakkabliklariga (“MVSM vakillari asosiy qahramon”, “Vatanparvar”, 2022-yil 1-iyul) to’xtalib o’tgandik. Shunga qaramay, dzyudochilarimiz xalqaro maydonda katta mahorat namoyish etmoqda – Vatanimiz sport sharafini yanada ulug’lashmoqda. Bundan, Budapesht “Katta Dubulg’a” turniri ham xoli bo’lmadi. Terma jamoamiz dunyoning 64 ta mamlakatidan 435 nafar kuchli dzyudochi qatnashgan ushbu nufuzli musobaqaga ikkinchi tarkibda, 7 nafar sportchi bilan bordi. Shunga qaramay vakillarimiz 2 ta sovringa egalik qilib, yana bir bor jahon dzyudo mutaxassislarining e’tirofini qozonishdi. Eslatib o’tamiz, terma jamoamizning asosiy tarkib dzyudochilari shu kunlarda navbatdagi o’quv-mashg’ulotini Gruzijada o’tkazmoqda va Turkiyaning Konya shahrida avgust oyida bo’ladigan V Islom birdamligi o’yinlariga hozirlik ko’rmoqda.

Eng og’ir (+100 kg) vazn toifasida yurtimizning yetakchi dzyudochilari hisoblangan Alisher Yusupov va Bekmurod Oltiboyevning o’rniga Vengriyaga borgan MVSM vakili Shohruh Baxtiyorov murabbiylarimiz ishonchini oqladi. Dastlab AQSh vakili Kristian Konovalni mag’lub etgan dzyudochimiz yana ikki bosqich bellashuvlaridan muvaffaqiyatli o’tdi. Yarim finalda u niderlandiyalik raqibiga imkoniyatni boy berib qo’ydi. Bronza medalini uchun finlyandiyalik Marti Pumalaynenga qarshi tatamiga chiqqan polvonimiz bellashuvda ajoyib harakatlari bilan jismoniy va ruhiy jihatdan ustunlikka erishdi – raqibini mag’lub etdi. Ushbu natija bilan Baxtiyorov o’z hisobiga jahon reytingi uchun 500, “Parij – 2024” yozgi Olimpiya o’yinlari yo’lida 250 reyting ochkosini ham yozib qo’ydi.

Bu MVSM vakili, sport ustasi Shohruh Baxtiyorovning nufuzli xalqaro musobaqalardagi birinchi muvaffaqiyati emas – bir necha marta g’olib va sovrindor bo’lgan. Jumladan, 2021-yil Fransiya poytaxti Parij

### O’ZBEKISTON VA MVSM DZYUDochILARI IJFNING YANGILANGAN REYTINGIDA QUYIDAGI O’RINLARDAN JOY OLGAN:

#### ERKAKLAR

##### -60 kg:

1. Yung Vei Yang (Xitoy Taipeyi) – 5 365 ochko
40. Kemran Nurillayev (O’zbekiston, MVSM) – 986 ochko
55. Dilshod Baratov (O’zbekiston, MVSM) – 610 ochko

##### -66 kg:

1. Denis Viyeru (Moldova) – 5 519 ochko
12. Sardor Nurullayev (O’zbekiston, MVSM) – 2 184
41. Muhriddin Tilovov (O’zbekiston, MVSM) – 806
45. Rahimjon Subxonov (O’zbekiston) – 760

##### -73 kg:

1. Lasha Shavdatuashvili (Gruzija) – 6 632 ochko
11. Hikmatilloh To’rayev (O’zbekiston, MVSM) – 2 152
24. Murodjon Yo’ldoshev (O’zbekiston) – 1 611
25. Obidxon No’monov (O’zbekiston) – 1 450
46. Shahram Ahadov (O’zbekiston) – 850

##### -81 kg:

1. Tato Grigalashvili (Gruzija) – 6 492 ochko
5. Sharofiddin Boltaboyev (O’zbekiston) – 3 771

##### -90 kg:

1. Davlat Bobonov (O’zbekiston, MVSM) – 4 814 ochko
2. Mammadali Mehdiyev (Ozarbayjon) – 4 657
45. Shermuhammad Jandreyev (O’zbekiston) – 730

##### -100 kg:

1. Jorj Fonseka (Portugaliya) – 5 360 ochko
24. Muzaffarbek To’raboyev (O’zbekiston, MVSM) – 1 315
27. Muhammadkarim Xurramov (O’zbekiston, MVSM) – 1 261
49. Otabek To’raboyev (O’zbekiston, MVSM) – 660

##### +100 kg:

1. Guram Tushishvili (Gruzija) – 4 459 ochko
14. Alisher Yusupov (O’zbekiston) – 2 081
26. Shohruh Baxtiyorov (O’zbekiston, MVSM) – 1 240
36. Bekmurod Oltiboyev (O’zbekiston, MVSM) – 832

#### AYOLLAR

##### -52 kg:

1. Amandin Bushar (Fransiya) – 5 780 ochko
6. Diyora Keldiyorova (O’zbekiston, MVSM) – 3 360

##### -70 kg:

1. Sanne van Diyke (Niderlandiya) – 4 974 ochko
18. Gulnoza Matniyazova (O’zbekiston, MVSM) – 2 072

shahrida o’tkazilgan jahon chempionati (58-SIZM) bahslarida shohsupaga ko’tarilib, bronza medalini bilan taqdirlangan.

Terma jamoamizning yosh polvonlaridan biri Rahimjon Subxonov esa faoliyatida ilk bor “Katta Dubulg’a” turnirlari shohsupasiga ko’tarildi. -66 kg vazn toifasida tatamiga chiqqan polvonimiz Budapesht “Katta Dubulg’a” turnirida dastlab Ozarbayjon, so’ng Italiya vakillarini, chorak finalda “Tokio – 2020” yozgi Olimpiya o’yinlarining kumush medalini sohibi gruziyalik Vaja Margvelashvili, yarim finalda esa bahraynlik Ramazon Kodjakovni mag’lubiyatga uchratdi. Oltin medal uchun bahsda u yanada kuchli raqib – “Tokio – 2020” yozgi Olimpiya o’yinlari chempioni yaponiyalik Xifumi Abega qarama-qarshi keldi. Garchi bellashuv kunchiqar yurt vakilining g’alabasi bilan xotima topgan bo’lsa ham, yosh polvonimiz Xifumi Abega munosib qarshilik ko’rsata oldi. Yakunda Abe 2 vazari bahosi bilan o’zining 3 yildan beri uzilmayotgan mag’lubiyatsiz seriyasini davom ettiradigan bo’ldi, vakilimiz esa kumush medal bilan taqdirlandi. Subxonov jahon reytingi uchun 700, “Parij – 2024” yozgi Olimpiya o’yinlari yo’lida 350 ochkoni o’z hisobiga qo’shib qo’ydi. Bungacha hamyurtimiz jahon reytingida 197-pog’onada joylashgan edi, Budapesht “Katta Dubulg’a”sida erishilgan muvaffaqiyat uning 152 pog’ona yuqoriga ko’tarilishiga olib keldi.

Olimpiya o’yinlarining reyting ochkolari ham taqdim etilgan turnirda 22 ta davlat vakillari u yoki bu darajadagi sovrinli o’rinlarni qo’lga kiritgan bo’lsa, ishtirokchi mamlakatlarning 42 tasi bironta ham sovrinli o’rindan joy olmadi. Umumjamoahisobida 8 ta oltin va bitta bronza medaliga ega chiqqan Yaponiya terma jamoasi 1-o’rinni egalladi. Ikkinchi tarkib bilan qatnashgan o’zbekistonlik dzyudochilar bittadan kumush va bronza medalini evaziga 64 ta davlat orasida 12-o’rindan joy oldi.

Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) Ulan-Bator va Budapesht “Katta Dubulg’a” turnirlaridan so’ng sportchilarning yangilangan reytingini e’lon qildi. Unga boqib, bir qator dzyudochilarimiz IJF reytingidagi o’rni mustahkamlanganiga guvoh bo’lasiz. Xususan, Mudofaa vazirligi Oliy Sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Davlat Bobonov -90 kg vazn toifalar ro’yxatida 4 814 ochko bilan 1-o’rinda qayd etilgan.

Rasul JUMAYEV,  
«Vatanparvar»



# Armiya sporti



# ИЛК ИШТИРОК, ФАХРЛИ ЎРИН

Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Мудофаа вазирлари кенгашининг 30 йиллигига бағишланган III халқаро ҳарбий спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу дўстона спорт ўйинларида республикамыз Мудофаа вазирлиги терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга қайтиб келди. Чемпионлар Тошкент темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов ғолиб ва совриндорларни муворақбод этди.

ди. Мазкур мусобақага жамоамиз олий тоифали мураббийлар қўл остида 3 ой давомида тайёргарлик кўрди. Натижада вакилларимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди. Спортда шундай онлар бўладики, сониянинг ўндан бир улуши ҳам мағлубиятга сабаб бўлади. Бунга эса омадга қиёслашди. Бизнинг жамоага ҳам биринчи ўринни эгаллаши учун озгина омад етишмади. Россия Федерацияси жамоаси 1-ўрин, Ўзбекистон терма жамоаси 2-ўрин ҳамда мезбон жамоа 3-ўринни қўлга киритди. Йўналишлар кесимида айтадиган бўлсак, армия қўл жанги мусобақасида жамоамиз 4 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 2 та бронза медални қўлга киритди. Ҳарбийлаштирилган кроссда биттадан олтин ва бронза медалига сазовор бўлди. Қўзғалмас қуроллардан ўқ отиш баҳсида битта олтин ва 2 та бронза медал жамоамиз ҳисобига ёзилди. Тош кўтаришда жамоамиз вакиллари 3 та бронза медалга эга бўлди. Офицерлар учкурашида 3 000 метрга югуриш ҳамда 300 метр масофага эркин сузиш машқида битта кумуш медал билан кифояланди. Умумий ҳисобда 6 та олтин, 3 та кумуш ҳамда 8 та бронза медал қўлга киритилди.

бағишланган III халқаро ҳарбий спорт ўйинларининг аёллар ўртасидаги ҳарбийлаштирилган кросс мусобақасида бронза медални қўлга киритдим, – дейди кичик сержант Саида Абдумўминова. – Рақибларимиз ҳам кучли тайёргарлик кўрган экан. Айниқса, Россия ҳамда Беларусь вакиллари бизга муносиб рақиб бўлди. Терма жамоамизни шакллантириб, тинимсиз машғулотлар ўтказган мураббийларимизга миннатдорчилик билдираман. 10 кун бегона юртда бўлдим. Ўтган шу қисқа вақт мобайнида ҳеч бир гўша киндик қоним тўқилган заминга тенг келмаслигини англадим. Биз қаерда қандай юқори чўққиларни забт этмайлик, ортимизда Ватанимиз шаъни ва шу Ватанга қилган қасамёдимиз мардонавор курашишга ундайверади. Айниқса, юртим байроғини бошим узра баралла кўтарган кезларим, ота-онамнинг меҳрини ҳис қилгандек бўлдим.

– Армия қўл жанги йўналиши бўйича 70 кг вазн тоифасида олтин медални қўлга киритдим, – дейди контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ҳусниддин Рўзиев. – Финал жангини қозоғистонлик рақибим билан ўтказдим. «Мезбонларга деворлар ҳам ёрдам беради», деган ибора бор. Рақибимни қўллаб-қувватловчилар кўп бўлди. Аслида бундай ҳолатлар меҳмон спортчининг психологиясига салбий таъсир қилади. Аммо мураббийларимизнинг тўғри тактикаси ва берган мотивацияси руҳиятимизнинг тетик бўлишига туртки бўлди. Жисмоний куч билан ақлий қувватни жамлашда ҳам мураббийнинг ўрни беқиёс. Мусобақа жараёнида яна шуни англадимки, бизнинг армиямиз бирор давлатнинг армиясидан кам эмас ва ҳар жабҳада бемалол баҳслаша оладиган қудратимиз борлигидан гурурландим.



Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Беларусь Республикалари ва Россия Федерацияси терма жамоалари ўзаро кураш олиб борган мусобақада юртимиз вакиллари матонат, жа-

сorat ва ватанпарварликни намоён этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

– Юртимиз шарафини ҳимоя қилган 39 нафар ҳарбий хизматчи мазкур мусобақада 5 та спорт тури бўйича иштирок этди, – дейди подполковник Азизбек Ҳайдаров. – Ҳарбийлаштирилган кросс, армия қўл жанги, тош кўтариш, қўзғалмас қуроллардан ўқ

отиш, офицерлар учкураши бўйича вакилларимиз муро-сасиз баҳс олиб бориш-

Мусобақа низомига кўра, ҳар икки йилда ўтказилиши кўзда тутилганига қарамай, 2017 йилда II халқаро ҳарбий спорт ўйинлари Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтгандан кейин пандемия сабаб тўхтаб қолган эди. Ушунда юртимиздан кузатувчи мақомида иштирок этганман. Мана, бу йил жамоамиз билан биринчи марта иштирок этдик ва натижаларимиз қониқарли, деб ўйлайман.

– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Мудофаа вазирлари кенгашининг 30 йиллигига

Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»

# ГЕРМАНИЯ

## ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ



Жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирувчи Германия Федератив Республикаси, дунёнинг бошқа етакчи давлатлари сингари, нафақат қуруқликда, балки дунё океанида ҳам ўзининг сиёсий, иқтисодий, илмий ва ҳарбий манфаатларини амалга оширишга интилиб келмоқда. Бу манфаатлар мамлакатнинг ички сувлари, ҳудудий денгизи ва махсус иқтисодий зонасини, шунингдек, дунё океанининг бошқа ҳудудларини ҳам қамраб олади. Бу йўналишда ҳарбий соҳадаги ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси Ҳарбий денгиз кучлари (ХДК) ҳисобланади. Германия Куролли Кучларининг мустақил ва ҳаракатчан тури бўлган ХДК таркибига ҳарбий флот, денгиз авиацияси ва махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар киради. Ҳарбий денгиз флоти мамлакат денгиз салоҳиятининг асосий таркибий қисми, давлат ташқи сиёсатининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади ва дунё океанида Германия ҳамда унинг иттифоқчилари манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, мамлакатга яқин денгизларда ҳарбий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган. Германия ҳарбий флотининг асосий вазифалари мамлакатнинг географик жойлашуви, унинг НАТО ва Европа Иттифоқига аъзолигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ҳарбий флотнинг жанговар таркиби иккита флотиядан иборат бўлиб, оператив-тактик қўшилма ҳисобланувчи 1-флотия душманнинг сувости ва сувости кемаларини яқсон қилиш, зарурий ҳудудларга мина тўсиқларини қўйиш учун мўлжалланган бўлиб, унинг таркибига 4 та эскадра (*сувости кемалари, корветлар, тралчи ва ёрдамчи кемалар*), душман кемаларига қарши кураш олиб бориш, ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш ва кемаларнинг денгиздаги ҳаракатларини таъминлаш вазифаларини бажарувчи 2-флотияга эса 2 та фрегатлар эскадраси ҳамда таъминот кемалари эскадраси киритилган. ХДК авиацияси иккита эскадра – самолётлар ва вертолётлар эскадрасидан ташкил топган. Махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар таркибидан тегишли қўмондонлик ва кучайтирилган кўриқлаш батальони жой олган.

Германия ХДК тасарруфида турли типдаги жанговар кемалар, шу жумладан бошқарилувчи ракета қуролига эга бўлган фрегатлар, корветлар, разведка кемалари, тралчи ва ноатом сувости кемалари бор. Флот таркибига авиаташувчи ва десант кемалари мавжуд эмас, 2016 йилда ракета катерлари ҳам жанговар таркибдан чиқарилган. Жанговар ва ёрдамчи кемаларнинг аксарият қисми маҳаллий корхоналарда қурилган, шу билан биргаликда, улар учун мўлжалланган алоҳида қурол тизимлари хориждан харид қилинган (*ракета қуроллари – АҚШ, Франция ва Швециядан, артиллерия қурилмалари – Италиядан олинган*). Ҳарбий флот жами 35 та кема – 6 та сувости кемаси, 11 та фрегат, 5 та корвет, 10 тралчи ва 3 та разведка кемаси билан таъминланган.

Ҳарбий денгиз кучлари авиацияси база ва палуба авиациясига ажратилган бўлиб, улар жами 10 та самолёт ва 45 та вертолётга эга. База авиацияси таркибига патруль самолётлари (*P-3C «Орион» типдаги 8 та самолёт*) ва энгил транспорт самолётлари (*Do-228 – 2 та*), палуба авиацияси таркибига эса кемаларга қарши (*«Си Линкс» Mk 88A – 22 та*) ва қидирув-қутқарув (*«Си Кинг» Mk 41 – 17 та ҳамда «Си Лайон» NH-90 NFH – 6 та*) вертолётлари киритилган.

2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, Германия ХДК шахсий таркибининг умумий сони 16 300 кишини ташкил этади: уларнинг 22 фоизи – офицерлар, 57 фоизи – унтер-офицерлар ва 21 фоизи – оддий аскарлардан иборат.

Бу турдаги қўшинларни жойлаштириш тизими таркибига Болтик денгизига учта ҳарбий денгиз базаси (*Варнемюнде, Киль ва Эккернфёрде*) ва Шимолий денгизда битта база (*Вильгельмсхафен*), шунингдек, Плён ва Паров пунктлари киради. Мазкур базалар ва

пунктлар кемаларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва моддий-техник таъминлаш имкониятларига эга. Денгиз авиацияси эса Нордхольц авиабазасида жойлашади.

Ҳарбий денгиз кучлари кўнгилли асосда доимий хизматдаги ҳарбий хизматчилар (*офицерлар ва унтер-офицерлар*), шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар (*офицерлар, унтер-офицерлар ва оддий аскарлар*), шунингдек, ҳарбий хизматга мажбур кўнгиллилар билан бутланади. ХДК учун шахсий таркиб тайёрлаш ҳарбий денгиз мактабларида амалга оширилиб, у ерда курсантлар аввал умумий дастур бўйича, сўнгра ўзлари танлаган денгиз мутахассислиги бўйича билим оладилар. Офицер кадрларни тайёрлаш босқичма-босқич ХДК мактаблари, бундесвер университетлари, «Мюрвик» офицерлар мактаби, ХДК техниклар мактаби, операторлар мактаби, шунингдек, флотда стажировкадан ўтиш ва малака ошириш курсларида олиб борилади. Энг иқтидорли ҳарбийлар раҳбарлар таркибини тайёрловчи академияда ўқиш учун танлаб олинади. Қўшимча тайёргарлик ва қайта тайёргарлик танланган мутахассисликка боғлиқ равишда Германия ва НАТОнинг бошқа мамлакатларидаги олий ҳарбий билим юртларида амалга оширилади.

Германия Ҳарбий денгиз кучларини янада такомиллаштириб бориш ишлари мамлакат армиясини ривожлантириш бўйича 2035 йилгача мўлжалланган миллий дастур доирасида амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ, жанговар кемалар ҳамда денгиз авиацияси воситалари сонини мунтазам равишда кўпайтириб бориш, ҳарбий флотнинг душманни яқсон қилиш имкониятларини ошириш, кемаларга қарши ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини, шунингдек, моддий-техник таъминот тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ҳарбий денгиз кучлари Германия армиясининг техник жиҳатдан яхши жиҳозланган, жадал ривожланиб бораётган тури ҳисобланади. Унинг асосини фрегат ва корвет тоифасидаги сувости кемалари ҳамда замонавий дизель-электр сувости кемалари ташкил этади. Яқин истиқболда янги лойиҳадаги кемаларнинг қабул қилиниши ҳарбий флотнинг жанговар имкониятларини янада оширади. Бундан ташқари, денгиз авиацияси замонавий самолётлар ва вертолётлар билан кучайтирилади. Шу билан биргаликда, немис флотининг сифат ва миқдорий таркиби чекланган – ҳозирги вақтда ва яқин келажакда авиаташувчи ва вертолёт ташувчи кемаларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, денгизда десант операцияларини ўтказиш учун мўлжалланган куч ва воситаларнинг ташкил этилиши кўзда тутилмаган.



Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

# DUNYOGA YAXSHILIK

(Psixolog maslahati)

Hayotda yashar ekanmiz, umrimiz davomida faqat yaxshiliklar baxt, omad bizga yor bo'lishini istaymiz.

Lekin ketma-ket qiyinchiliklar kela boshlasa, bizni norozi qiladigan holatlar ko'payib ketsa, aybdor qidirishga tushamiz. Aslida buning hammasi bizning atrofga, atrofdagilarga qilayotgan va berayotgan mehrimiz yo qahrimizning yoki bo'lmasa ichki nafrat, g'azab va alamning aksidir. Hayot – bu maktab.

## BILAN BOQING

Unga qanday boqish va qanday munosabatda bo'lish bu har bir insonning o'z tanlovidir. Dunyoga qanday ko'z bilan qarasangiz, u sizga shunday ko'rinadi. Shunchaki, hamma narsa o'zingizga bog'liq. Siz har qanday vaziyatda yaxshilik ko'ra biling... Har narsada muammo ko'ruvchi inson yonidagi yaxshilikni ko'rmas qoladi. Yaxshilikdan ham gumonlanadi. Gumonda yuruvchi

inson doim notinch yuradi. Qalbi hech qachon xotirjam bo'lmaydi. Bu holat sog'liq uchun ham yaxshi emas. Shuning uchun ham har narsaning yaxshi tomonini ko'rishga odatlansak, hayot bizga kutilmagan sovg'alarni tuhfa qiladi. Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerakki, siz Yer yuzida yashovchi milliard-milliard insonlardan ko'ra baxtliroq, boyroq va omadliroq ekanligingizni unutmasligingiz, bugungi baxtli hayotingiz uchun shukur qilib, yaxshilik qidirib yashang, shunda dunyo rang-barang ko'rinadi.



AYOLLAR BEKATI

### Go'zallik uchun 15 daqiqa

Yozda quyosh nuridan soch va yuzni asrash lozim. Bunga e'tibor bermasak, soch o'z qayishqoqligi va jozibasini ham yo'qotib, tez sinadigan bo'lib qoladi. Quyosh ta'siridan himoyalash uchun turli niqoblardan foydalangan ma'qul.

**Soch uchun niqob.** Buning uchun: zaytun moyi, tuxum sarig'i va limon sharbati aralastirilib, sochga surtiladi hamda 15 daqiqadan keyin yuvib tashlanadi. Bu niqobdan haftada bir mara foydalanish kerak.

Qatiq ham quyoshda kuygan sochlarga birinchi yordam vazifasini o'tay oladi.



**Yuz uchun niqob.** Sovigan ko'k choyga sochiqni botirib, yuzingizga 5 daqiqa qo'yib turing. Bu muolajani haftada 2 marta qo'llash kerak. Ushbu sovuq kompress yuz terisini mayinlashtirib, quyoshning zararli ta'siridan asraydi.

## SHIFOBAXSH QO'LLAR

O'z-o'zini uqalash yo'li bilan kasallik, stress va uyqusizlikdan forig' bo'lish mumkin. Quyida o'z-o'zini uqalash usullarini keltirib o'tamiz.

**Bosh og'rig'iga qarshi.** Ikki ko'zingizni yumib, qo'llaringizni ko'ndalang holda boshning yuqori nuqtasiga qo'ying. Asta-sekinlik bilan nafas oling. Qo'llarning bunday joylashishi qorindagi yoqimsiz og'riqdan xalos qiladi.

**Stress holatidan qutulish.** Barmoqlaringizni bosh chakkasiga qo'yib, yaxshi narsalar haqida o'ylang. Ikki daqiqadan so'ng o'zingizni yengil his qilasiz, tinchlanasiz, sizni xavotirli o'y-fikrlar tark etadi.




**To'yib ovqatlanganda.** Tug'ilgan kun yoki bayramlarda har doimgidan ko'proq taom iste'mol qilib qo'yganda, qo'llaringizni qovurg'a aylanasini bo'ylab o'ng va chap tarafdin qo'ying. O'ng qo'l barmoqlaringiz jigaridagi zararli narsalarni chiqarib tashlashga yordam bersa, chap qo'l barmoqlari esa jigar faoliyatini yaxshilaydi.



**Tinch uxlay desangiz.** Agarda hech uyqungiz kelmayotgan bo'lsa, qo'llaringizni qorningizga (biri yuqoriroqda, ikkinchisi sal pastroqda) joylashtirib, chuqur-chuqur nafas oling. Bu usul sizni yomon kayfiyatdan ham asraydi.



# BOLAJON



**SURATDA 7 TA FARQNI TOPING  
VA BO'YANG!**



## SAXIYLIK MUKOFOTI

Anvarning oilasi kambag'al edi. Buning sababi otasi Mahmud aka kasal bo'lib yotib qolgan. Onasi otasini parvarish qilar, uy ishlari va ikkita ukasiga qarardi. Shuning uchun sakkizinchi sinfda o'qiydigan Anvar darsdan keyin novvoychiga yordamlashib, oilasiga har kuni uchta non va bir-ikki so'm ish haqi olib borardi. Bu nonlar oila a'zolarining nonga bo'lgan bir kunlik ehtiyojini qondirardi.

Kunlardan birida Anvar har doimgidek novvoyxonada mehnat qilib, uyiga non olib qaytdi. Ketayotib yo'l chetidagi daraxt tagida holsiz yotgan itga ko'zi tushdi. Yonida yangi tug'ilgan bolalari ham bor edi. It ko'zlari mo'ltiragancha yigitchening qo'lidagi nonlarga termilib turardi. Anvarning itga rahmi keldi va qo'lidagi nonning bittasini uning oldiga qo'ydi. Ona it shuni kutib turgandek, jon holatda yeyishga tushdi. U qilgan ishidan xursand bo'lib, yo'lida davom etdi. Ammo uyida non kutib turgan yaqinlarini o'ylab, o'ziga o'zi parishon gapirib ketdi: "Endi nima qilaman, uydagilar ikkita nonga to'ymaydi. Ha, mayli, men non yemay qo'ya qolaman. Agar itga non bermagimda, o'lib qolishi mumkin edi. Tug'ilgan bolalari ham onasidan keyin yashamasdi. Nima bo'lganda ham unga nonimni berganim yaxshi bo'ldi".

Anvar uning orqasidan Rahimjon ismli yo'lovchi kelayotganiga e'tibor bermagandi. U inson yigitchening itga bo'lgan munosabati, o'ziga o'zi aytgan gaplarini eshitib, orqasidan ketaverdi. Darvozasining oldiga borgandagina uni to'xtatib so'radi:

– O'g'lim, uzr, orqangdan kelayotib gaplaringni eshitib qoldim. Oilalaringda biror muammo bormi?

– Yo'q, amaki, hammasi joyida, – o'ziga o'zi gapirganidan biroz uyaldi Anvar. – Faqat otamning tobi yo'q. Shuning uchun maktabdan qaytgach ishlab, oz bo'lsa-da oilamga yordam qilaman.

– Itga qilgan muruvvatini ko'rdim. Yaxshi bola ekansan, otangga rahmat!



Bu ish hammaning ham qo'lidan kelavermaydi. Ruxsat bersang, otanang bilan tanishmoqchiman.

– Mayli, amaki, – dedi yigitcha o'ylanibroq. – Yuring men bilan.

Anvar uni ichkariga taklif qildi.

Rahimjon aka badavlat inson bo'lib, atrofidagi qiynalganlarga doimo yordam berib yurarkan. Shunday qilib, saxiy bolaning sharofati bilan oilalarida juda katta o'zgarish yuz berdi. Rahimjon aka Mahmudjon akaning davolanib oyoqqa turishiga va ro'zg'orining to'kin bo'lishiga yordam ko'rsatdi. Anvarlarning oilasiga avvalgidek xursandchilik kunlar qaytdi.

**Sheikxa ABDUJABBOROVA,  
Mirzo Ulug'bek tumanidagi  
241-maktabi 5-sinf o'quvchisi**

# Taqdimot

# ЮРАГИ КАТТА

## БОЛАЛАРНИ КУТ,

## ОНА...

*Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.*  
**Усмон НОСИР**

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида истеъдодли ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг «Усмон Носир» пьесаси асосида сахналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.



Ўзбек адабиётининг ёруғ юлдузларидан бири, оташин шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган мазкур сахна асари шоирнинг аянчли тақдири ва оғир ўтган умр йўллари ҳақида сўзлайди. Томошабинни беихтиёр ўша замон билан ҳамнафас этади. Спектакль давомида Усмон Носирнинг қалб нолалари, юрагидаги ўтинч томошабинлар қалбига кўчиб ўтади. Унинг камдан-кам кишиларда учрайдиган шиддати,

эзгулиги, элу юрт олдидаги шарафли бурчни ҳис қилиши, Ватанга муҳаббати, умрининг сўнгги лаҳзасигача қалбини тарк этмаган жўшқинлик пьесанинг сўнгига қадар маҳорат билан тасвирланган.

Усмон Носирнинг «Юрак» номли шеърига басталанган кўшиқ спектаклнинг бошланишидаёқ томошабинлар диққатини жамлаб олди. Унинг хор жамоаси томонидан куйланиши асарнинг қимматини янада оширди.

Адабиётшунослар, олимлар, кенг жамоатчиликнинг эътирофига кўра, ёш режиссёр Достон Ҳақбердиев бошчилигидаги ижодкорлар жамоаси мақсадига эриша олган. Пьеса давомида тўхмат ва хоинлик қурбони бўлган шоирнинг Онага, Юрта қилган илтижолари, даъватлари бугунги кун кишисини ҳам сергак торттиради.

Кўп йиллардан буён интиқлик билан кутилган жадидлар ҳақидаги илк драматик асарни томошабинлар олқишлар билан кутиб олди.



### BIR CHIMDIM

Hamмага do'st bo'lgan odam  
hech kimga do'st emas.

ARASTU

### BILASIZMI?

#### QIZALOQNING UYI

Asli polyak bo'lgan amerikalik fotograf Devid Seymurning 1947–1948-yillarda YUNESKO buyurtmasiga asosan tayyorlagan “Urushdan keyingi bolalar” albomida Tereza ismli qizning surati bor. Darsda o'qituvchi undan doskada biror surat chizib berishini so'raydi. Qiz esa siz ko'rib turgan manzarani chizadi.

Hayron bo'lgan o'qituvchi qizchadan: “Nimaning suratini chizding?” deb so'rganida, u: “Uyimning surati”, deya javob bergan. Afsuski, qizaloq konslagerda tug'ilgan, og'ir sharoit va qiynoqlar uning qalbiga shunday tasvirlarni solgan edi.



#### URUSH HAYKALLARI

Suratda ko'rib turganingizdek, ayollar Birinchi jahon urushi paytida inson boshi haykallarini yasashmoqda. Shu ishlari tufayli ularga haq to'langan. Qizig'i, bu bosh haykallari pishiq qilib yasalmagan. Bu tomonda urush, bu tomonda esa ayollar haykal yasashmoqda.

Ko'rinishi xuddi tirik odamga o'xshagan ushbu haykallar dushman snayperlarini chalg'itish va ularning qayerda ekanini aniqlash uchun yasalgan.



@Vatanparvargazetasi\_bot  
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

М. МЕЛИЕВА

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: mayor Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Nodirabegim Valiyeva  
Musahhah: Mastura Qurbonova

Buyurtma: Г-0705

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 397 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.  
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:  
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.